2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 58 (314), 2021 йил 22 март, душанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАР КУНИ НАВРЎЗ, ҲАР КУНИ БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ШУКУҲИ БИЛАН УЙҒУН



**Наврўз тонги отди, юртимизда яна бир файзли кун бошланди. Халқимиз Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ислоҳотларга, янгиланиш йўлидаги саъй-ҳаракатларга, дала ишларига, дастурхонимизга қут-барака тилаб, дуолар қилмоқда. Бир-бирини жигарсўзлик билан қутламоқда.**

**Пойтахтимиздаги “Humo Arena” мажмуаси байрамона безатилган. Бу ерда Наврўз байрамининг асосий тантанали тадбири бўлиб ўтди.**

**Муҳташам саройга сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрди.**

**Байрам тадбирида Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизга Наврўз табригини йўллади. Юртимизга байрамлар ярашади. Улар орасида Наврўз шукуҳи ўзгача. Янгиланиш, тозариш ва куч-қувват манбаи, эзгу амаллар байрами сифатида қадр топиб келаётган Наврўзни бу йил халқимиз кўп орзу-умид, катта ниятлар билан қаршилаяпти.**

Давоми 3-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни, сизлар орқали кўп миллатли халқимизни шарқона янги йил — Наврўз байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Нуроний отахон ва онахонларимизга, ҳурматли ака-ука, мунис опа-сингилларимизга, навқирон ёшларимиз, суюкли фарзандларимизга, хориждаги ватандошларимизга — бутун эл-юртимизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳаммамиз орзиқиб ва соғиниб кутадиган янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Ҳурматли юртдошлар!

Ўтган йили пандемия туфайли Наврўз байрамини ҳар доимгидек катта тантана қилиб, кенг нишонлай олмаган эдик. Ўшанда, бу ташвишли кунлар албатта ортда қолади, ҳали кўп тўй-томоша ва сайилларни халқимиз билан биргаликда ўтказамиз, деб эзгу ният қилган эдик.

Бугун ана шу орзу ва интилишларимиз рўёбга чиқмоқда. Гўзал ва жонажон юртимизда яна шодиёналар, яна қувончли кунлар бошланмоқда.

Албатта, барчамиз яхши тушунамизки, бутун дунёда коронавирус балоси ҳали тўла бартараф этилгани йўқ. Афсуски, у биз билан бирга, ёнимизда яшамоқда.

Халқимиз соғлиғини асраш йўлида қандай саъй-ҳаракатлар ва катта амалий ишлар қилганимиз барчангизга яхши маълум. Энди шунча меҳнатимиз, кўрган чора-тадбирларимиз бекорга кетмаслиги учун пандемияга қарши курашни бир лаҳза ҳам тўхтатмаслигимиз лозим. Ўзимиз ва яқинларимизни ҳимоя қилишимиз, бепарволик ва беғамликка берилмаслигимиз шарт. Доимо ҳушёр ва масъулиятли бўлиб яшашимиз, тўплаган тажрибамизга таяниб, албатта, эҳтиёткорлик билан тизимли иш олиб боришимиз зарур.

Шундагина меҳнаткаш халқимиз билан эзгу мақсадларимиз ва катта режаларимизни янги куч, янги ғайрат билан давом эттира оламиз.

Бугун сизларнинг нурли чеҳрангизни кўриб, халқимиз ҳам худди гўзал баҳор фаслидек куч ва қудратга тўлиб бораётганига яна бир бор амин бўлдим.

Кўклам нафаси юртимиз узра кезаётган мана шундай таровватли кунларга соғ-омон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Азиз ватандошлар!

Пандемия бошланган биринчи кунларда мен халқимизга мурожаат қилиб, бу синовдан янада кучли ва қудратли бўлиб чиқамиз, деб ишонч билдирган эдим.

**Чиндан ҳам, бизнинг кучимиз — бирлик ва аҳилликда; бизнинг қудратимиз — меҳр-оқибат, ўзаро кўмак ва саховатда; бизнинг ютуғимиз эртанги кунга бўлган юксак ишончимизда.**

Бу адолатли ҳақиқатни бошимиздан кечирган синовли кунлар яна бир бор исботлади.

Мана шу машаққатли давр бизнинг бир-биримизга нақадар боғлиқ ва керак эканимизни яққол кўрсатди. Шунингдек, бир-биримизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшашимиз ҳаётий зарурат эканини тўла намоён этди. Биз фақат биргаликда, ҳамжиҳатликда буюк ишларга қодир эканимизни пандемия синовлари яна бир карра тасдиқлаб берди, десам, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласизлар.

Албатта, коронавирус туфайли дунёда кўп нарса ўзгармоқда. Лекин халқимизнинг она табиатга, муқаддас заминга муҳаббати, азалий қадриятларга эҳтиром ва садоқати асло ўзгаргани йўқ. Аксинча, бундай олижаноб хислатларимиз янада зиёда бўлмоқда, сайқал топмоқда.

Шу боис ҳам азалдан баҳорий уйғониш ва нафосат тимсоли бўлган Наврўзи олам биз учун тобора ардоқли бўлиб бормоқда.

Бу йилги Наврўзнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у жонажон Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 30 йиллик байрами тадбирлари ўтадиган йилга тўғри келмоқда.

**Наврўз — чинакам халқ байрами, миллий ўзлигимиз кўзгуси, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир.**

Минг йиллар олдин ота-боболаримиз бу улуғ айёмни қандай пок ният ва ёруғ умидлар билан кутиб олган бўлсалар, бугун ҳам халқимиз мана шундай баланд кайфият билан Наврўзга пешвоз чиқмоқда.

Ям-яшил далалар ва гуллаган боғларда, майдон ва хиёбонларда, қишлоқ ва овулларда, маҳалла ва кўчаларда Наврўзнинг дилбар тароналари — Янги кун наволари янграмоқда. Қир-адирларда мард ўғлонларимиз кўпкари чопиб, кураш тушмоқда. Кексаю ёш юртдошларимиз сумалак тўла қозонлар атрофида ўйин-кулгулар қилиб, баҳор неъматлари ва байрам қувончини ўзаро баҳам кўрмоқдалар.

Шундай шукуҳли ва бетакрор дамларда барчамиз тинч ва осойишта ҳаёт ҳамда хотиржамлик қадрини янада теранроқ ҳис этмоқдамиз.

Бугунги муродбахш ва файзли кунларда миришкор деҳқон ва фермерларимиз улкан ният ва режалар билан қадрдон даласи сари йўл олмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, азму шижоатли бободеҳқонларимизни янги меҳнат мавсуми билан самимий қутлаймиз. Ушбу қутлуғ байрам кунларида жорий йилда ҳам далаларда ҳосилларимиз мўл ва баракали, ризқу насибамиз янада зиёда бўлсин, деб барчамиз дуолар қиламиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Наврўзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон ғояси билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир.

Бутун олам, еру кўк уйғонаётган бу ажиб фаслда юртимиздаги янги Уйғониш даври — Учинчи Ренессанс орзуси қалбларимизга беқиёс куч ва ишонч олиб кирмоқда.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли маҳалла тизими ходимлари ва фаоллари!

Аввало, сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Маҳалла тизими ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий тилакларимни билдираман.

Мамлакатимизда илк бор нишонланаётган ушбу байрам яшариш ва янгиланиш, меҳр-оқибат айёми — Наврўз тантаналари давом этаётган мана шундай шукуҳли кунда ўтказилаётганида ўзига хос рамзий маъно бор.

Маҳалла — асрлар оша миллий урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда.

Биз маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунамиз.

Айни пайтда, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур эта олмайди.

Шу боис, биз кейинги тўрт йилда маҳалла институтига миллий давлатчилигимизнинг асосий қуйи бўғини сифатида қараб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган кенг кўламли ва пухта ўйланган ислоҳотларни амалга ошираётганимиздан барчангиз яхши хабардорсиз.

Бу даврда соҳа ривожига доир **50 дан ортиқ** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, ҳар бир ҳудудда **“Обод ва хавфсиз маҳалла”** тамойилига асосланган янги тизим жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Юртимизда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, муҳтарам нуронийларимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги мавқеи ва таъсирини кучайтиришга кўмаклашиш мақсадида **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги** ташкил этилди.

Фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳуқуқ-тартибот, оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий ҳамда ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари лавозими жорий қилинди. Соҳа ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида уларнинг ойлик маошлари **3 бараварга** оширилди, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари учун **“Маҳалла ифтихори”** кўкрак нишони таъсис этилди.

Фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида **1 минг 163 та** маҳалла идораси янгидан қурилди, **3 минг 612 таси** реконструкция қилинди ва таъмирланди. **110 та** туман ва шаҳарда **“Маҳалла маркази”** мажмуалари барпо этилди, **4 минг 319 та** маҳалла биноларида кутубхоналар ташкил қилинди.

Соҳа ходимларининг жамиятимизда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги фидокорона хизматларини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, маҳалла фаолларининг пандемия даврида кўрсатган чинакам жонбозликлари, хусусан, синовли кунларда одамлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари ғоят муҳим ва долзарб масалаларда давлатимизга мустаҳкам таянч бўлиб майдонга чиққанини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Жумладан, бу даврда маҳалла фаоллари томонидан **700 мингга яқин** фуқаронинг бандлигини таъминлаш, **60 мингдан зиёд** юртдошларимизни тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка жалб этиш, имконияти чекланган **754 мингдан зиёд** оилаларнинг томорқаларидан самарали фойдаланишга амалий ёрдам кўрсатилганини алоҳида эътироф этиш зарур.

Давоми 2-бетда

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, етакчи халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли давлат ва жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.**

**Қутловларда мамлакатимизда барқарор тараққиётни таъминлаш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва янгиланишларда эришилган салмоқли ютуқлар ва катта муваффақиятлар алоҳида қайд этилган.**

**Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилаклари изҳор этилган.**

Давоми 2-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Бошланиши 1-бетда

**Халқимизнинг фидокорона меҳнати, қатъий сиёсий иродамиз билан биз кенг кўламли ислоҳотларимизни бундан кейин ҳам жадал давом эттирамиз. Қанчалик қийин бўлмасин, эл-юртимиз манфаатини, жондан азиз фарзандларимиз келажагини таъминлашга хизмат қиладиган, танлаган тўғри йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.**

Айни шу мақсадда мамлакатимизда ўнлаб замонавий корхоналар, саноат ҳудудлари ва кластерлар, “IT-парк” ва технопарклар, транспорт-коммуникация тармоқлари, шинам уй-жойлар, кўркам боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлари, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тобора чирой очиб, жонажон диёримиз янада обод ва гўзал бўлиб бормоқда.

Зеро, Наврўзи оламнинг мазмун-моҳиятида инсонни улуғлаш, унинг қадри, иззат-ҳурматини жойига қўйиш каби эзгу фазилатлар мужассамдир.

Юртимизда аҳолининг барча қатламлари, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни билим ва касб-ҳунарга ўргатиш, иш ўринлари, даромад манбаи, турар жойлар билан таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда. Айниқса, ижтимоий ёрдам ва кўмакка муҳтож, кўнгли ярим инсонларга чинакам эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш доимий фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Бу борадаги ишларимиз “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да мазмун ва сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда.

Мана шундай амалий ҳаракатларимиз келгусида янада кенгайиб, **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** деган олижаноб мақсадимизга албатта етамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Наврўз — инсон ва табиатни асраб-авайлашга, тинчлик, дўсту биродарлик ва ҳамкорлик каби умумбашарий қадриятларни эъзозлашга чорлайдиган улуғ байрамдир.

Ушбу қутлуғ айёмда турли низо ва адоватлар, гина-аразлар унутилади, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва аҳиллик тамойиллари янада кучаяди.

Ана шундай беқиёс фазилатлари туфайли Наврўз нафақат мамлакатимиз, балки бутун Шарқ оламида замонлар оша безавол яшаб келмоқда. Шунинг учун ҳам Наврўз юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларини бир оиладек бирлаштирадиган гўзал байрамга айланди.

Сизларга маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 21 март — Халқаро Наврўз куни деб эълон қилиниб, у ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган. Ушбу сананинг жаҳон миқёсида кенг нишонланиши унинг халқаро нуфузи ва аҳамияти тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Мана шу нурафшон айёмда узоқ-яқин барча давлатларнинг халқларига, хорижий дўст ва ҳамкорларимизга эзгу табрик ва саломларимизни йўллаб, уларга тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Қадрли отахон ва онахонлар!

Муҳтарама опа-сингиллар!

Ҳурматли ака-укалар!

Азиз фарзандларим — навқирон ёшларимиз!

Қадимий ва гўзал байрамимиз — Наврўзи олам билан барчангизни яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Шарқона Янги йилимиз ҳар бир хонадонга, жонажон Ўзбекистонимизга тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-омонлик, бахту саодат ҳамда файзу барака олиб келсин!

Илоҳим, жамики улуғвор мақсадларимиз, яхши ният ва улкан режаларимиз рўёбга чиқсин!

Ватанимиз янада обод, халқимиз ҳаёти ҳамиша фаровон бўлсин!

Азизларим, Наврўзи олам барчамизга, бутун халқимизга қутлуғ ва муборак бўлсин!

# ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИГА

Бошланиши 1-бетда

Маҳаллаларда **ҳашар йўли билан 164 мингдан ортиқ** эҳтиёжманд оилаларнинг хонадонлари таъмирланиб, **1 000 га яқин** камбағал оилаларга уй-жойлар қуриб берилгани, **10 минг** километрга яқин ички йўллар ва **644 та** кўприк таъмирлангани, **339 та** кўприк янгидан қурилгани, қарийб **2 минг** километр узунликда ичимлик суви тортилгани ва **1 минг 300 га яқин** насослар ўрнатилганида сизларнинг катта ҳиссангиз бор.

Жамиятда соғлом маънавий муҳит асосларини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йили маҳалла фаоллари кўмагида ажралиш ёқасига келиб қолган **21 мингга яқин** оила яраштирилгани, **16 мингдан зиёд** оиланинг нотинчлигига барҳам берилгани, **5 мингга яқин** маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани, намунали маҳаллалар сони **1 минг 704 та**га етгани албатта таҳсинга лойиқдир.

Азиз дўстлар!

Бугунги кескин ва шиддатли глобаллашув даврида юртимизда ўзаро аҳиллик ва тотувлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик тамойилларини, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлашда маҳаллаларнинг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Айни пайтда ушбу тизимнинг нуфузи ва фаолияти самарасини кучайтириш, уни фуқаролар ўз фикри ва дардини, таклиф-тавсияларини эркин айтадиган, муаммосига ечим топадиган чинакам халқчил идорага айлантириш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда.

Халқимизда: **“Бир болага етти маҳалла ота-она”,** деган гап бежиз айтилмаган. Фарзандларимизнинг маънавий баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, ёш оилаларнинг мустаҳкам оёққа туриб олишида ушбу тузилманинг ролини янада ошириш, **“Ҳар бир нуроний — беш нафар ёшга мураббий”** тамойили асосида бошланган эзгу ишларимизни изчил давом эттириш бугунги кун талабидир.

Маҳалла раиси фаол ислоҳотчи сифатида, аввало, замон билан ҳамқадам бўлиши, ўз билим ва малакасини доимий ошириб бориш ҳақида ўйлаши, **“Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон”** мезонларини ҳаётга татбиқ этиш, турли ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни тадбиркорлик марказларига айлантириш чораларини кўриши даркор.

Халқимизни ҳаётдан рози қилишдек улуғвор мақсадга эришиш йўлида биз ислоҳотларни **“маҳаллабай”** асосда амалга ошириш, барча қишлоқ ва маҳаллаларимизни жадал ривожлантиришга биринчи даражали эътибор қаратмоқдамиз.

Айни вақтда аҳолининг эҳтиёжманд қатлами билан манзилли иш олиб бориш, **“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”** ва **“Ёшлар дафтари”**га киритилган юртдошларимиз муаммоларини **“хонадонбай”** ҳал этишда, ҳеч шубҳасиз, маҳалла органлари муҳим ўрин тутади.

**“Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари”** деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало маҳалла тизимига, маҳалла фаоллари ва фидойиларининг улкан салоҳиятига таянамиз.

Биз маҳалла институтини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Шу борада бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман:

**Маҳалла обод бўлса — юрт обод бўлади. Маҳаллада ўзгариш бўлса — бутун жамият ўзгаради.**

Ҳурматли маҳалла тизими ходимлари!

Муҳтарам фахрийларимиз!

Халқ ишончини оқлаш, унга муносиб бўлиш — дунёдаги энг улуғ бахтдир. Шундай бахт, шундай шараф ҳаммангизга насиб этсин!

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор муборакбод этар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга файзу барака, масъулиятли ва серқирра фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бошланиши 1-бетда

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент жаноблари!

Хитой ҳукумати ва халқи номидан ҳамда ўз номимдан Сизни ва Сиз орқали Ўзбекистон ҳукумати ва халқини Ўзбекистоннинг анъанавий байрами Наврўз муносабати билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизнинг қатъий раҳбарлигингиз остида кейинги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этиш жадал давом эттирилмоқда, давлатни ривожлантиришнинг барча йўналишларида ажойиб муваффақиятларга эришилмоқда, бундан эса Ўзбекистоннинг яхши қўшниси ва ҳар томонлама стратегик шериги сифатида Хитой самимий қувонмоқда.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдаман ва Сиз билан биргаликда икки мамлакат ва халқ фаровонлиги йўлида икки томонлама муносабатларни янги тарихий шароитларда узлуксиз ривожлантириб боришга тайёрман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, давлатчилик фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Дўст Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

**Си ЦЗИНЬПИН,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Президент жаноблари!

Сизга ва Ўзбекистон халқига Наврўз тинч, бахтли ва фаровон бўлишини тилайман.

Афғонистонда урушга чек қўядиган, барқарор ва дипломатик ечимни таъминлайдиган тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш борасидаги биргаликдаги ишларимизда Наврўз байрами бизга тинчлик ниҳоятда муҳим неъмат экани ҳақида эслатма бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилда Ўзбекистон мустақиллигига 30 йил тўлади. Кейинги йилларда Сиз муҳим ислоҳотларни амалга оширдингиз ва менинг Администрациям бу муваффақиятни давом эттириш учун мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Биз, шунингдек, беш йил аввал Давлат котиби Жон Керри раҳбарлигида бошланган “C5+1” мулоқоти доирасидаги ҳамкорлик давом этишидан умидвормиз.

Сизга ва Ўзбекистон халқига шу янги йилда ва янги баҳор фаслида энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Наврўз муборак!

Ҳурмат билан,

**Жозеф Робинетт БАЙДЕН,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Баҳор айёми — Наврўз муносабати билан илиқ қутловларим ва самимий тилакларимни қабул қилгайсиз.

Ёрқин ҳаёт бошланишидан дарак берувчи муқаддас Наврўз тақдири ва ўтмиши муштарак бўлган қардош халқларимизга омад ва равнақ олиб келсин.

Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги умумий маънавий қадриятлар ва дўстликка, стратегик шерикликка асосланган ўзаро манфаатли, кенг кўламли муносабатлар бундан буён ҳам жадал ривожланаверсин.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикасининг**
**Биринчи Президенти — Элбоши**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни ва юртдошларингизни Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этаман.

Юксак маънавий қадриятларни ўзида мужассам этган ушбу файзли баҳорий байрам маънавий янгиланиш, бунёдкорлик ва уйғунликка чорлайди. Қалбларимизга илиқлик ва шодлик, бахт ҳисси ва ёрқин келажакка умид бағишлайди.

Бизнинг улуғ ва умумий меросимиз сифатида Наврўз Қозоғистон ва Ўзбекистон халқларининг дўстлик, биродарлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади, икки давлат стратегик шериклигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ушбу айём кунларида, муҳтарам Шавкат Миромонович, мамлакатингиз тараққиёти ва изчил ривожига қаратилган барча эзгу саъй-ҳаракатларингизга катта муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Наврўз ҳар бир хонадонга барака ва фаровонлик олиб келсин!

Ҳурмат билан,

**Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович, азиз қардошим!

Халқаро Наврўз айёми муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллашга ҳамда фаровонлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Бутун инсоният бой маданий меросининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилган Наврўз байрами табиат уйғониши, тириклик тантанаси ва баҳор гўзаллигининг рамзи ҳисобланади. Ўзаро ҳурмат, тинчликсеварлик ва яхши қўшничилик анъаналарини ўзида мужассам этган ушбу файзли байрам халқларимиз ҳамжиҳатлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу ажойиб айём Сиз ва қардош Ўзбекистон халқига бахт-саодат, шодлик ва янги зафарлар олиб келсин!

Чуқур ҳурмат ила,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизни ва биродар Ўзбекистон аҳлини халқаро Наврўз байрами билан самимий муборакбод этиб, энг эзгу тилакларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Аждодларимизнинг қадрли мероси бўлмиш қадимий Наврўз бугунги кунда Ер сайёрасининг турли бурчакларидаги миллионлаб одамлар учун баҳор, табиат уйғониши, ўзаро англашув ва ўзаро ҳурмат, бунёдкорлик ишлари ва эзгу ниятлар рамзи эканини таъкидлашдан мамнунман.

Аминманки, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари муборак Наврўзнинг барҳаёт анъаналарига таянган ҳолда бундан буён ҳам оғишмай ривожланиб боради, янги маъно ва мазмун билан бойиб, янада кенгаяди ва мустаҳкамланади.

Бугунги байрамона муҳитдан фойдаланиб, Сизга, азиз дўстим ва қардошимга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва янги зафарлар, дўст Ўзбекистон халқига эса — тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Наврўз муборак!

**Эмомали РАҲМОН,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Қирғизистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни ва бутун Ўзбекистон аҳлини баҳорий Наврўз айёми билан муборакбод этаман!

Аждодларимиз қадимдан ушбу байрамни яхши ўй ва эзгу ниятлар билан кутиб олганлар, келажакка умидларини Наврўз билан боғлаганлар.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстликка асосланган стратегик шериклик халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришига қатъий ишонаман.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Садир ЖАПАРОВ,**
**Қирғиз Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Ўз номимдан ва Озарбайжон халқи номидан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига халқларимизнинг бой миллий маънавий меросини ўзида мужассам этган Наврўз байрами муносабати билан самимий тилакларимни изҳор этаман.

Табиатни уйғотувчи, одамларга янги кайфият улашувчи ушбу баҳорий байрам ўзаро англашув, дўстлик ва ҳамжиҳатликни тараннум этади.

Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик Наврўзнинг эзгу қадриятларини юксак қадрлайдиган халқларимиз иродасига мувофиқ бундан буён ҳам кенгайиб, мустаҳкамланиб боришига ишонаман.

Ушбу файзли айёмда Сизга мустаҳкам соғлиқ, фаолиятингизга муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса — тинчлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбайжон Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Қадимий Наврўз, баҳор фасли ҳамда ҳижрий-шамсий 1400 йилнинг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг улуғ халқини чин юракдан табриклашдан бениҳоя хурсандман.

Баҳор моҳир бир рассом каби табиат кўксига расм солиб, ернинг қалби ва руҳига тириклик ва янгиланиш нафасини бағишлаб, тароват ва яшиллик тасвирини ер курраси узра ёймишдир. Умид ва қувонч бағишловчи ҳамда ғам-қайғудан халос этувчи меҳр-муҳаббатга тўла қадимий Наврўз янгиланиш ва янги қараш рамзидир.

Биз инсонлар ҳам табиат каби фасл янгиланиши билан қалбимиз ва руҳимизда баҳор кайфиятини жо этамиз, толиқиш ва ҳолсизлик ғуборидан халос бўлиб, руҳ ва тафаккур тетиклиги ҳамда тан соғлиғи учун имкон ярата оламиз, деб умид қиламан.

Ўтган йилда бутун дунёда COVID-19 пандемияси тарқалиши ҳамда унинг кўплаб иқтисодий ва ижтимоий оқибатларининг гувоҳи бўлдик. Янги йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгроқ йўлга қўйиб, коронавирус инфекцияси тарқалишини назорат остига олиш ва тўхтатишга муваффақ бўламиз, Наврўз эса халқларимиз учун янги бир даврни бошлаб беради ҳамда дунёнинг барча мамлакатларига қувонч, барака, соғлиқ ва осойишталик олиб келади, деб умид қиламиз.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига, соғлиқ ва муваффақият, Ўзбекистон Республикаси халқига баракали ҳаёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

**Ҳасан РУҲОНИЙ,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Янги 1400 ҳижрий-шамсий йил ва халқаро Наврўз байрами кириб келиши муносабати билан Афғонистон халқи номидан Сиз, Жаноби Олийлари ва дўст Ўзбекистон Республикаси халқига ўзимнинг самимий табрикларимни изҳор этаман.

Афғонистон халқи қўшни мамлакатлар ва халқаро дўстлар билан биргаликда ушбу қутлуғ сана, қадимий анъанамиз ва муштарак маданий меросимиз бўлмиш Наврўз байрамини нишонлаётганидан хурсандман.

Наврўзи олам бир-бирига биродар бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстлик, бирдамлик, ҳамкорлик ва яқинликни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришда қадимий қадриятимиз сифатида инкор қилиб бўлмайдиган мавқега эгадир.

Табиатнинг ушбу кўркам айёми олиб келадиган тароват ва гўзалликка шукроналик билдирган ҳолда, дўстона алоқалар, муҳим минтақавий лойиҳалар ва дастурлар бўйича ишлар кенгайишига, иқтисодий ривожланиш ва якдиллик бардавом бўлишига тилакдошмиз.

Ушбу файзли байрам муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини яна бир бор муборакбод этган ҳолда, Сизга сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига эса бардавом бахт-саодат ва улкан тараққиёт тилайман.

**Ашраф ҒАНИ,**
**Афғонистон Ислом Республикаси**
**Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Наврўз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимизни йўллашдан беҳад мамнунмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Салмон ибн Абдулазиз Ол САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Сиз Жаноби Олийларига самимий саломларимни йўллаб, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, оқилона раҳбарлигингизда биродар халқингизга тараққиёт ва равнақ ҳамда дўст мамлакатингизга юксалиш ва фаровонлик тилаб қоламан.

Наврўз байрами яқинлашиб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаган ҳолда жорий йил Сизга ва халқингизга хайр-баракот ва шоду хуррамлик олиб келишини тилайман.

Биродаримиз, Президент Жаноби Олийлари, бизларни бирлаштириб турувчи дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ва шериклик муносабатларини халқларимиз манфаатлари йўлида янада ривожлантиришга тайёр эканлигимизни таъкидлаймиз.

Байрамингиз муборак бўлсин!

Сизни Аллоҳнинг ўзи ҳифзу ҳимоясига олсин.

**Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол МАКТУМ,**
**Бирлашган Араб Амирликлари**
**Вице-президенти, Бош вазири,**
**Дубай амирлиги ҳокими**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Исроил халқи ва давлати номидан Сиз, оилангиз ва ўзбек халқини бахтли ва фаровон Наврўз байрами билан муборакбод этаман. Ўзбекистон Республикаси баҳорнинг мўл-кўлчилиги, дарёлар серсувлиги ва табиатнинг туганмас неъматларидан баҳраманд бўлишини тилайман.

Минг йиллар давомида Ўзбекистон ва Исроил халқлари табиатнинг уйғониши ва янгиланишидан дарак берувчи улуғвор баҳор фаслининг кириб келишини нишонлаб келганлар. Наврўз ва Фисиҳ байрамларини нишонлар эканмиз, қадимий ўтмиш ва аждодларимиз анъаналари мамлакатларимизни боғлаб туришда давом этади ҳамда икки томонлама муносабатларимизни кенгайтириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Самимият ила,

**Реувен РИВЛИН,**
**Исроил Давлати Президенти**

* * *

Шунингдек,

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд АББОС,**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди, Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, мудофаа вазири **Муҳаммад ибн Салмон ибн Абдулазиз Ол САУД,**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол НАҲАЁН,**

Евроосиё иқтисодий комиссияси ҳайъати раиси **Михаил МЯСНИКОВИЧ,**

Туркий тилли давлатлар кенгаши Бош котиби **Бағдод АМРЕЕВ,**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби **Владимир НОРОВ** ва бошқалар табрик йўллаган.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАР КУНИ НАВРЎЗ, ҲАР КУНИ БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ШУКУҲИ БИЛАН УЙҒУН



Бошланиши 1-бетда

*Абу Бакир ЎРОЗОВ,*
*Улуғбек АСРОРОВ,*
*"Янги Ўзбекистон" мухбирлари*

Давлатимиз раҳбари шижоати, халқимиз ҳамжиҳатлиги билан бутун дунёни қалқитган глобал офат — коронавирус пандемияси шароитида ҳам кўзлаган мақсадларимизга эришдик. Халқчил ислоҳотлар давом этди, ютуқларимиз кўп бўлди, тараққиётимиз тўхтамади. Пировардида, Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

Ўтган йили шу кунларда Президентимиз халқимизга Наврўз табригида "Насиб этса, тез орада бу ташвишли кунлар ортда қолади. Бундай сайил-томошаларни, тўю тантаналарни эл-юртимиз билан биргаликда ҳали кўп-кўп ўтказамиз" дея эзгу ният қилган эди. Аллоҳга шукр, шу ният амалга ошди.

Бу йилги Наврўз мустақиллигимизнинг 30 йиллиги шукуҳи билан уйғун келгани билан ҳам қадрлидир. Мустақиллик тўйини азиз халқимиз билан биргаликда "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" ғояси асосида нишонлаймиз. Шундай фараҳли кунларда эса кейинги 5 йилга яқин вақт мобайнида биз эришган муваффақиятларни эслаб, кўнглимиз тоғдек юксалади. Маррани янада баланд оламиз.

...Наврўз — бунёдкорлик байрами. Биргина ўтган йили мамлакатимизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари ишга туширилди. Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ва 18 километрлик ер усти метро йўналиши фойдаланишга топширилди.

Деҳқону фермерларимиз янгича, самарали ишлаш услубига ўтмоқда. Бу — кластер тизими. 2020 йилда мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди. Аҳоли даромад олиши учун ер майдонлари ажратилмоқда.

Мамлакатимизнинг халқаро молия бозорларида ҳам нуфузи ошмоқда. Гапимизга ўтган йили илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилгани ҳам мисол бўла олади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлидаги ишларимиз ҳам бардавом бўлмоқда. "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" асосида бошланган ишларимиз ҳам яхши самара беряпти. Ана шу тизим орқали ўтган йили 500 мингдан зиёд фуқаронинг бандлиги таъминланди. Минглаб эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашилди, муаммоларига ечим топилди.

...Наврўз меҳр-саховат байрами ҳамдир. Ота-боболаримиздан мерос жўмардлик, тантилик ва бағрикенглик хислатлари жўшиб турибди. Пандемия шароитида, турли табиий офатлар юз берганда меҳр-саховат ишларига гувоҳ бўлдик. Бу амаллар ҳамон давом этмоқда.

Ўтган йили ижтимоий нафақа олувчилар қамрови оширилиб, 1 миллион 200 мингга етказилди. Камбағал оилага бир марталик ёрдам бериш-ку майли, лекин уларга доимий даромад манбаи яратиш асосий мақсад қилинган. Шу маънода, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди.

**Ислоҳотларимизнинг халқаро эътирофи ҳам фахр этса арзигулик. Ўзбекистон "Очиқ маълумотларни кузатиш" халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади. "Иқтисодий эркинлик" рейтингида ҳам 26 поғона илгариладик. Мамлакатимиз тарихда биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги "махсус кузатувдаги давлатлар" рўйхатидан чиқарилди.**

...Наврўз саҳнасида жўшқин қўшиқ янграйди. Бу жўшқинлик қалбимизга ҳам кўчади. Забт этилган марралар, ютуқлар кўплигидан қувонамиз. Шу ҳис бизни янги ғояларни амалга оширишга чорлайди.

Қадимги қимизчи чоллар қўшиғида айтилганидек: бола дунёни тебратар. Бу тараннумнинг буюк фалсафаси бугун Ўзбекистонда бўй кўрсатмоқда.

Жумладан, Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида таълим-тарбияга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир неча йилда кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса 14 мингдан ошди. Мактаб ва олий таълимдаги ислоҳотларимиз ҳам кундек равшан кўриниб турибди.

...Наврўз деҳқончилик, яралиш фурсати. Шундай улуғ айём кунларида яхши ният билан ерга уруғ қадалади, деҳқончилик ишлари бошланади, чорва сони кўпаяди. Бу йилги кўклам деҳқону чорвадорлар кутганидек серёғин, баракали келмоқда. Мўл ҳосилдан умид катта.

Халқимиз табиат билан уйғун яшайди. Замину осмонга, тоғу далаларга муҳаббати юксак. Бу муҳаббат дастурхонимизга мўл-кўлчилик билан қайтади.

...Баҳор гўзаллик фасли. Кейинги йилларда шаҳарларимиз, қишлоғу маҳаллалар кун сайин кўркам қиёфа касб этиб боряпти. Ҳар ёнда ободлик ишлари авжида.

— Наврўзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон ғояси билан уйғун ва ҳамоҳангдир. Халқимизнинг фидокорона меҳнати, қатъий сиёсий иродамиз билан кенг кўламли ислоҳотларимизни бундан кейин ҳам жадал давом эттирамиз. Қанчалик қийин бўлмасин, эл-юртимиз манфаатини, жондан азиз фарзандларимиз келажагини таъминлашга хизмат қиладиган тўғри йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Байрам тадбири катта концерт дастури билан якунланди.

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Humo Arena" мажмуаси олдидаги майдонда ташкил этилган байрам сайлида ҳам иштирок этди. Бу ерда миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз намойишини, фольклор-этнографик жамоалари чиқишларини кузатди. Нуронийлар билан суҳбатлашди, ёш ижрочиларга ўқиш ва ижодда муваффақиятлар тилади.**

**Сайилга ташриф буюрган аҳоли давлатимиз раҳбарини олқишлар билан қарши олиб, миннатдор нигоҳлар ила кузатиб қўйди.**

Наврўз тантаналари юртимиз бўйлаб давом этмоқда.

Шоиримиз Жуманиёз Жабборов ёзганидек:

***Яшнар табиат, дашту адир лола ичинда,***
***Юртим — чаманим ўзгача пардозланажакдир.***

Ҳа, Наврўзнинг ҳар нафаси умрга татигулик. Зеро, Ўзбекистонда янгиланиш фасли кезмоқда. Қаён боқсак ободлик манзаралари намоён бўлади. Шундай экан, Наврўз йил давомида ҳамроҳимиз бўлсин! Байрам муборак!

ДИЛ ИЗҲОРИ

# ҲАР ДИЛДА БИР ЯНГИ КАЛОМ БОР...



*Маҳмуд ТОИР,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз айёми муносабати билан халқимизга йўллаган табригини катта ҳаяжон билан тингладик. Зеро, атрофимдаги инсонларнинг юз-кўзларига боқиб бир ҳақиқатни англадим: юртдошларимизнинг барчаси соғ-саломат етиб келганимиз бу қутлуғ байрамга — бугунги кунларга шукр қилмоқда. Ахир ўтган йили Наврўзимизни қанча ташвиш ва хавотир билан кутиб олгандик. Айни пайтдаги қувончли лаҳзаларимизни бир таҳлил қилинг. Пандемия даврида ҳам давлатимизда қандай катта ўзгаришлар, янгиланишлар бўлди. Замондошларимиз қалбидаги эртанги кунимизга бўлган ишонч нурини, катта мақсадлар сурурини ҳис қиласиз.

Бошимиздан ўтган қийин дамларда ҳукуматимиз ҳам, халқимиз ҳам катта синовдан ўтди. Давлатимиз томонидан ҳар бир одамнинг тақдирини, саломатлигини ўйлаган ҳолда чора-тадбирлар амалга оширилди. Маҳалла-кўй, қўни-қўшниларнинг мураккаб даврда бир-бирини қўллаб-қувватлагани, оқибати ва самимиятини кўриб ҳайратланган чоғларимиз бўлди. Ҳа, биз саховатли, меҳр-оқибатли инсонларнинг авлодлари эканлигимизни унутмаган эканмиз. Халқимизга хос бўлган қадриятлар ва анъаналар бутун дунёда эътироф этилди.

Биласизми, Наврўз байрами Марказий Осиё халқларидан ташқари бошқа давлатларда ҳам нишонланади. Бироқ Ўзбекистонда нишонланадиган байрамнинг тафти, завқи ўзгача.

Деҳқонларимиз эрта баҳорданоқ, "етказганингга шукр, ўзинг юртимизга қут-барака ато этгин!" дея экин-тикин ишларини бошлаб юборишган. Улар майсалар билан сирлашадиган, ер билан эса одамлар каби тиллашадиган ажойиб инсонлардир. Нафақат деҳқонларимиз, фермер, тадбиркор, шифокор, ўқитувчи — барча-барча юртдошларимиз қалбидаги ҳаётга муҳаббат тўлқини қанчалар кучли эканлигидан ғурурланаман. Зеро, "ҳар дилда бир янги калом бор!" Жаҳон майдонида Ўзбекистон эзгу ишлар ташаббускорига айланиб бораётган давлат эканидан фахрланаман.

***Майсаларга инимсан, дегин,***
***Бинафшага ширинсан, дегин,***
***Лолазорлар қошига келгин,***
***Баҳор берар биз кутган бахтни,***
***Наврўз элтар биз кутган бахтни!***

ФАРМОН ВА ИЖРО

# ИНСОНПАРВАРЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ НАМУНАСИ

*Баҳор ХИДИРОВА,*
*"Янги Ўзбекистон" мухбири*

**Адашганни тўғри йўлга бошлаш, йиқилганни суяш, хато қилганни кечириш халқимизнинг эзгу қадриятларидан саналади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнида бу каби анъаналаримизнинг бардавомлигини таъминлашга қаратилаётган эътибор инсон ҳуқуқ ва манфаатини муҳофазалаш, жамиятда ўзаро меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.**

Президентимиз томонидан "Наврўз" умумхалқ байрами арафасида имзоланган "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фармон бу борада яна бир муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

— Бир тасаввур қилиб кўрайлик, бир маҳкумнинг афв этилиши унинг ота-онаси, оиласи, фарзандлари, қариндош-уруғлар, қолаверса, қўни-қўшни, маҳалла-кўйга қанча хурсандчилик олиб келади, — дейди Олий Мажлис Сенатининг суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Наримон Умаров. — Зеро, бир маҳкумнинг афв этилиши ортидан ўнлаб, балки, юзлаб хонадонларга хурсандчилик, эртанган кунга ишонч ва барака кириб келади. Сўнгги йилларда тўрт минг етти юздан ортиқ фуқароларимиз бу имкониятдан фойдалангани жамиятимизда инсонпарварликка йўналтирилган ислоҳотларнинг муҳим аҳамиятини яққол намоён этади. Ўйлаймизки, афв этилган ҳар бир шахс ўзига билдирилган юксак ишончни оқлаб, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшади, жамиятда ўз ўрнини топади. Шу билан бир қаторда, ушбу фармон ижросини таъминлаш борасида ҳуқуқ-тартибот, маҳалла ва бандликни таъминлаш органларига бир қатор вазифалар юклатилган. Уларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қилишда биз, парламент аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳам фаол иштирок этишимиз лозим.

Мутахассислар таъкидлашича, муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган афв тўғрисидаги фармонни имзолашгача бўлган ишлар босқичма-босқич қатор вазифаларни амалга оширишни тақозо этадиган муҳим жараёндир. Зеро, ушбу жиноят ишлари ортида минглаб инсонларнинг тақдири ётади. Бу ишларни батафсил ўрганиш мутахассислардан катта масъулият талаб этади. Қолаверса, маҳкумларнинг ўз хатосини англаб етгани ва қилмишига чин дилдан пушаймонлиги, тузалиш йўлига қатъий киргани батафсил ўрганилади. Ана шундай босқичма-босқич ўрганишлар асосида қабул қилинган мазкур фармон, аввало, Конституциямизда белгиланган тамойиллар, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашга хизмат қилади. Қолаверса, ушбу ҳуқуқий ҳужжат одамларнинг ҳаётдан рози бўлишида, фарзандлар тақдирида, оилада, жамиятда маънавий муҳит яхшиланишида муҳим омил бўлади. Буни озодликка чиқиб, оиласи бағрига қайтган инсонлар, уларнинг яқинларининг дил сўзидан ҳам англаш қийин эмас.

— Хато қилдим, қилмишимга минг бора пушаймонман, инсон учун оиласи, яқинлари ризолигидан ортиқ бахт йўқ экан, — дейди Комил Тоиров. — Мени кечириб, афв қилган Президентимизга ва халқимизга чексиз миннатдорлик билдираман. Бу имкониятни юксак қадрлайман ва ҳалол меҳнатим билан оқлайман.

— Олти йилдирки оиламдан узоқдаман. Мана, набираларим ҳам катта бўлиб қолибди. Афсуски, улар улғаяётганида ёнида бўлолмадим, — дейди Фатхулла Зиёев. — Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли муддатидан илгари озодликка чиқиб, оилам бағрига қайтмоқдаман. Бу ишончни оқлаш учун ҳалол меҳнат қиламан, фарзандларим ва набираларимга бош бўламан.

— Шу чоққача қалбимиз кемтик, кўнглимизга чироқ ёқса ёришмас эди. Бу йилги Наврўз хонадонимизга ўзгача сурур бахш этди, — дейди Гўзал Асқарова. — Чунки, айни Наврўз куни отам озодликка чиқиб бағримизга қайтди. Бугун барчамизнинг дилимизда кечаётган қувончни сўз билан таърифлашга ожизман. Буни аввало биз, фарзандларнинг келажагини ўйлаб қилинган эзгу иш деб биламан. Бу ғамхўрлиги учун Президентимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

— Афв этилганлар орасида ёшлар ҳам бор. Бу уларга берилган катта имконият ва ишонч, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Сарвар Ашуров. — Буни оқлаш учун ёшлар юртимиздаги бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиб, эл-юртимизга муносиб хизмат қилиши лозим. Эндиликда афв этилганлар билан тизимли иш олиб бориш муҳим вазифамиздир. Бунинг учун, аввало, уларнинг ҳаётга мослашишини таъминлаш, соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш, бандлигини таъминлаш лозим.

Ҳар қандай жазо ва афв мазмун-моҳиятан, аввало, инсонга хатосини англатиш, ҳалол меҳнати билан жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашишни англатади. Шу боис, бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида турли тўгараклар, касб-ҳунар марказлари ташкил этилган. Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Абдуҳошим Зиёвуддиновнинг айтишича, бундай тўгарак ва марказларда ҳайкалтарошлик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ёғоч ўймакорлиги каби ҳунарлар ўргатиляпти. Маҳкумлар озодликка чиққач, бу ерда ўрганган ҳунари туфайли жамиятга осон мослашади, қайта жиноят содир этилишининг олди олинади.

Қолаверса, афв этилган шахслар учун квоталанган иш ўринлари ажратиш, бандлигини таъминлаш учун имтиёзли кредитлар бериш амалиёти жорий этилган. Табиийки, бу имкониятлар жамиятимизда инсон ҳуқуқларини муҳофазалаш, маънавий-маърифий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ўзаро меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаш, энг муҳими, халқимизнинг давлатимиз сиёсатидан рози бўлиб, ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшишига хизмат қилмоқда.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

# ЧИРЧИҚЛИКЛАР ҲАЁТИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛДИ

**Чирчиқ Тошкент вилоятининг хушманзара, баҳаво шаҳри. Бу ерда турли миллат вакиллари аҳил яшайди, биргаликда меҳнат қилади. Бир вақтлар бу шаҳар кўпчилик яшашни орзу қиладиган жой бўлган. Йиллар эса ислоҳотни, эътиборни талаб қилади. Чирчиқ баъзан ана шу ҳаётий талабдан четда қолиб келди.**
**Янги Ўзбекистон ислоҳотлари бу гўзал шаҳарга ҳам етиб борди. 18 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу ерга ташрифи кўп миллатли шаҳар аҳлининг неча йиллик орзулари ушалишига йўл очди. Янги марралар, катта мақсадлар, муҳим режалар белгиланди.**



***Равшан ДАСТИРОВ, Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши котибият мудири:***

— Президентимизнинг Чирчиқ шаҳрига ташрифи жуда самарали, янги ташаббуслар ва кўрсатмаларга бой бўлди. Аҳолига яхши яшаш шароити яратиш борасида бир қатор долзарб ташаббусларни илгари суриб, аниқ вазифалар қўйди. Хусусан, аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизмат тизими, ички йўлларнинг бугунги манзараси ачинарли ҳолга келиб қолганини таъкидлаб, бу бўйича йирик лойиҳаларни тезкорлик билан амалга ошириш топшириғини берди.

Президентимиз ташрифидан сўнг чирчиқликлар ҳаётида янги саҳифа очилди. Халқимиз кайфияти кўтарилди. Маҳаллаларда ободлик ишлари бошлаб юборилди. Бу ишларга каттаю кичик бирдек, ўз ихтиёри билан ҳисса қўшяпти.

Давлатимиз раҳбари топшириғи асосида Чирчиқ шаҳар иссиқлик таъминот корхонаси негизида Туркия технологияси асосида янги қозонхона барпо этиладиган бўлди. Биргина шу қозонхона ишга тушиши билан 175 та кўп қаватли уй ва 19 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик энергияси билан таъминланади. Бундан Чирчиқ аҳолиси жуда мамнун бўлди.

Тошкент вилоятида илк бор 16 қаватли уй Чирчиқда қуриляпти. Бу ҳам шаҳримиз кўркига кўрк қўшади, уй-жойга муҳтож аҳоли қатлами, ёш оилалар муаммоларига муносиб ечим бўлади.

Президентимиз бундай уйларни аҳоли талаб ва эҳтиёжларини ўрганган ҳолда кўпроқ ҳамда сифатли қуриш кераклигини таъкидлади. Маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан суҳбатлашди, ногирони бор оилалар ҳолидан хабар олди. Бундан ташқари "маҳаллабай" ишлаш тизимини кенг оммалаштириш, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" билан ишлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берди.

Тошкент вилоятини ривожлантириш учун 119 триллион сўм маблағ ажратилиши бизни жуда руҳлантириб юборди. Албатта, барчамиз вилоятимизни, шаҳримизни ривожлантириш учун меҳнат қиламиз.

Чирчиқни инновацион, инвестицион шаҳарга айлантириш бўйича керакли лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. 100 гектар боғ яратиш, янги иш ўринларини очиш, инвестиция киритиш масалаларига ҳам алоҳида тўхталинди.

Албатта, муаммолар ҳам бор. Масалан, бугунги кунда шаҳарда ободонлаштириш ишларига доир бор-йўғи 4 та техника бор. Бизнинг ҳисоб-китобимизча 35 та техника зарур. Тизимда 181 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг сони 600 тага етказилса шаҳримиз янада чиройли, озода ҳудудга айланишига ишонамиз.

Энг асосийси, Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳеч ким бефарқ эмас. Бу кўзлаган марраларга эришишимиз учун муҳим ҳаётий омилдир.



***Доно МАШАРИПОВА, Чирчиқ шаҳридаги 7-умумтаълим мактаби директори ўринбосари:***

— Президентимизнинг шаҳримизга ташрифидан жуда мамнун бўлдик. Бу кун мактабимиз жамоаси, шахсан мен учун тарихий сана бўлиб қолди. Мактабимиз "Ифтихор" маҳалласи ҳудудида жойлашган. Қош қорайиб қолган, ҳали ишда эдик. Кутилмаганда давлатимиз раҳбарининг маҳаллага келгани ҳақида эшитдик.

Маҳалла аҳли билан суҳбатлашиб, одамлардан ҳол-аҳвол сўрагач, мактабимиз ёнидан ўтиб кетаётиб бизни кўриб қолди ва шу томонга кела бошлади. Жамоамиз билан пешвоз чиқиб, дарвоза ёнида қарши олдик.

Президентимиз билан учрашув биз учун тарихий воқеага айланди. Муқаддас масканга қадам ранжида қилгани барчамизни чексиз қувонтирди.

Президентимиз бугунги ислоҳотлардан мамнунмисиз, деб савол берди.

Албатта, мамнунмиз, дедик.

Айнан қайси соҳалардаги ислоҳотлардан розисиз, дея сўради яна.

Таълим тизимидаги ўзгаришлар бизни хурсанд қилади. Бевосита давлатимиз раҳбари эътибори, назорати билан мажбурий меҳнатдан — кўча тозалаш, пахта теришдан қутилдик. Бугунги кунда фарзандларимиз таълим олиши, ўқувчилар ўз иши билан шуғулланиб, ёшларга билим бериши учун барча имкониятлар яратилган.

Президентимиз мактабимиз неча ўринли экани, бу ерда ўқувчилар сони қанчалиги билан қизиқди. Биз 1600 ўқувчи таълим олиши, турли тўгараклар ишлаб тургани, педагогик жамоамиз салоҳияти ҳам юқори эканини айтдик.

Давлатимиз раҳбари келганида каратэ ва мусиқа тўгарагида машғулотлар бўлаётган эди. Доира овозини эшитиб хурсанд бўлди.

Маълум муддат таълимда оқсашлар юз берди, малакали ўқитувчилар бошқа ишга ўтиб кетди. Бугун вазият тубдан ўзгарди. Шундан келиб чиқиб олдингизга қандай режаларни қўйдингиз, деб ҳам сўради.

Режаларимиз, ютуқларимиз ҳақида сўзлаб бердик. Ўтган йили 40 фоиздан ортиқ битирувчимиз олий таълим муассасалари талабаси бўлди. Бу йил ота-оналарнинг таклифларини инобатга олиб мактабда қўшимча ўқув-курсларини ташкил этдик. Битирувчиларимизнинг олий таълимга қамровини 60 фоиздан оширишни мақсад қилганмиз. Давлатимиз раҳбари орзу қилаётганидек қобилиятли, фидойи, ватанпарвар ёшларни тарбиялашга ваъда бердик.

Давлатимиз раҳбари бу гапларни эшитиб жуда хурсанд бўлди. "**Куни билан юриб чарчаган эдим, лекин сизларнинг гапларингизни эшитиб, шижоатингизни, кўзингизда қувончни кўриб яна кучимга куч қўшилди**", деди.

Бу гаплардан биз ҳам маънавий руҳий қувват олдик. Худди ўз отамиз, суянч тоғимиз билан учрашгандек бўлдик. Юртимиз тинчлиги, шундай Президентимиз, бағрикенг халқимиз борлиги учун шукрона айтишимиз керак.



***Татьяна КАДИРОВА, Чирчиқ шаҳридаги "Ифтихор" МФЙ фуқароси, пенсионер:***

— Биласизми, барча инсонлар бир-биридан ҳол-аҳвол сўраш, яхши-ёмон кунларида кўмаклашишни қадрият деб билади. Айниқса, биздек Ўзбекистонда — Тошкентда туғилиб вояга етган ва қарилик гаштини сураётган инсонлар бу каби илиқ муносабатларни жуда қадрлайди. Биз ана шундай муҳитда ва инсонлар орасида тарбия олдик. Чирчиқ шаҳрига ташриф буюрган Президентимиз шахсан келиб мендан ҳол-аҳвол сўрагани эса кутилмаган учрашув ва ана шундай юксак инсоний фазилатнинг намунаси бўлди.

Ҳовлидаги ўриндиқда ўтиргандим. Узоқдан кўриб, тўғри олдимга келди. Олдимда Президентимизни кўриб ҳайратим ошди, ҳаяжонланиб кетдим.

Давлат раҳбари билан юзма-юз туриб гаплашдик. Жуда самимий сўрашди, қандай яшаётганимиз, соғлиғимиз, ҳатто қанча пенсия олаётганимиз билан ҳам қизиқди.

Қисқа бўлсада, расмиятчиликсиз, чин дилдан суҳбатлашдик. Қадим ва гўзал юртнинг, қадриятларга бой халқнинг фарзанди шундай бўлади-да...

Бирор нарсадан шикоят бўлса айтишимни сўради. Очиғи, шикоят қиладиган жойим йўқ. Бу ерда турли миллат вакиллари биродарлардек яшаймиз. 75 ёшга кирдим. Турмуш ўртоғим, ўғлим билан яшаймиз. Узоқ йиллар заводда, ундан сўнг ҳайвонот боғида ишлаб, пенсияга чиққанман. Чирчиққа кўчиб келганимизга ўн беш йил бўлди. Чирчиқда ҳам кейинги йилларда ўзгаришлар катта, ўзимиз гувоҳ бўлаяпмиз. Бу юртни, элни яхши биламан ва севаман. Шу сабабли ҳеч қаерга кўчиб кетиш ниятим ҳам йўқ. Фақат Ўзбекистонни севиш, қадрлаш, унинг учун хизмат қилиш керак.



***Владислав ДЕНИСЕНКО, Чирчиқ шаҳридаги "Лола" МФЙ фуқароси:***

— 18 март куни кутилмаганда уйимизга Президентимиз кириб келди. Биз давлатимиз раҳбарининг уйимизга келишини ҳатто хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик. Жуда илиқ суҳбатлашдик. Мендан, ойимдан ҳол-аҳвол сўради, ҳаяжонли дақиқалар эди. Президентимиз билан уйда суҳбатлашиб ўтирибманми, деб ўйлаб қўяман, баъзан.

Икки йил олдин ҳаётимда бахтсиз ҳодиса юз берди. Умуртқамнинг икки жойидан жароҳатланиб ногиронлик аравачасига ўтириб қолдим. Чуқур қайғуга ботдим, ота-онам ҳам кўп эзилди. Буни даволаш осон эмас экан, тинимсиз махсус машқларни бажариш керак. Кўп пул ва вақт талаб этади.

Онам ишидан воз кечди. Чунки менга доимий қаровчи керак эди. Тушкунликка тушган вақтларимиз ҳам бўлди. Начора, шу ҳаётга ҳам кўникишга мажбур эдик.

Лекин Президентимиз билан уйимизга қувонч, ҳаётимга яна умид кириб келди. Сен оёққа туриб кетишинг учун нима қилиш керак экан, деб сўради. Мен ҳаммасини ётиғи билан гапириб бердим. У киши албатта ёрдам беришини айтиб, руҳлантириб, бизга соғлиқ тилаб хайрлашди.

***Анифе БЕКТОШЕВА, Владиславнинг онаси:***

**— Президентимизнинг уйимизга ташрифи бизга катта хурсандчилик улашди, тушкун кайфиятимизни кўтарди. Ўғлим билан суҳбатлашиб, реабилитациясига ёрдам беришини айтганида йиғлаб юбордим.**

Эртаси куни Тошкентдан бир гуруҳ шифокорлар етиб келди ва Владиславнинг ҳолатини ўрганишди. Умид борлигини айтишди. Шундан буён ўғлимнинг чопқиллаб юриши кўз олдимдан ўтаверади. Кўнглим равшан тортди. Бизга Президентимизни Худонинг ўзи етказди. Йўқса бундан буёғига ҳолимиз не кечар эди билмайман. Энди эса кўнглим кўтарилиб, ишонч ва умид уйғонди. Ҳаммаси учун раҳмат.

***Улуғбек АСРОРОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири***

22 МАРТ — БУТУНЖАҲОН СУВ КУНИ

***Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири***

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИ ОШИРИЛСА

## импорт камайиб, фермерлар даромади кўпаяди

**Сўнгги йилларда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг ўтган йил 10 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони бу борада ўрта ва узоқ истиқболдаги ишларни режалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Айни пайтда юртимизда 4,3 миллион гектар суғориладиган экин майдони мавжуд бўлиб, шундан 291,2 минг гектарида сув тежовчи технологиялар қўлланилмоқда. Шунинг 120,5 минг гектари томчилатиб, 3,5 минг гектари ёмғирлатиб ва 4,2 минг гектари дискрет усулида суғорилади. 163 минг гектар майдон эса эгилувчан қувурлар орқали сув билан таъминланади.

Ўтган 2020 йилда 133,6 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар ўрнатилди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 декабрдаги "Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш



чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 2021 йилда сувни тежовчи технологияларни қўллашни беш баробар ошириш ва 430 минг гектарга етказиш белгиланган. Бунда 230 минг гектарда сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда 200 минг гектар экин майдонини лазер ускуналар ёрдамида текислаш кўзда тутилган. Қарор талабларидан келиб чиқиб, Сув хўжалиги вазирлиги томонидан жорий йилда 160 минг гектар пахта, 30 минг гектар боғ, 15 минг гектар узумзор ва бошқа экинлар етиштириладиган 5 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш йўлга қўйилади. Шунингдек, 14 минг гектар донли, 2 минг гектар сабзавот ва полиз ҳамда 2 минг гектар озуқабоп экин майдонларида ёмғирлатиб суғориш, 623 гектар пахта майдонида дискретли суғориш технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари белгиланган.

— Бугунги кунга қадар республикамизда жами 9 830 та фермер хўжалиги ва кластер ташкилотлари билан қурувчи пудрат корхоналари ўртасида 363,7 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича пудрат шартномалари расмийлаштирилиб, шунинг 84,7 минг гектарида қурилиш-монтаж ишлари бажариляпти, — дейди сув хўжалиги вазири ўринбосари Рустам Қаршиев. — Бу жараёнда сув тежовчи технологиялар бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бу турдаги корхоналар иш жараёнини яқиндан ўргандик. Асосий мақсад сув тежовчи технологиялар бутловчи қисмлари импортини қисқартириб, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, таннарх пасайиши ҳисобига фермерларимиз даромадини кўпайтиришга ҳисса қўшишдир.

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари



ҳузуридаги сув хўжалиги тизими ташкилотларида ишлаётган 6 мингдан зиёд ишчи-ходимдан иборат 300 та гуруҳ ташкил қилинди. Улар қурилиш ва сервис хизматларини кўрсатади.

Тошкент туманида жойлашган "Eco Drip Lux" корхонаси 2010 йилдан иш бошлаган бўлиб, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб суғориш тизими учун полиэтилен қувурлар, турли ҳажмдаги фитинглар, геомембрана ва тез йиғилувчи модул спринклерлари каби импорт ўрнини босувчи 860 турдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Корхона бир йилда жами 110 минг гектар майдонга етарли миқдорда томчилатиб суғориш технологияси ускуналари ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш қувватига эга. Яқинда сув тежовчи технологияларнинг уловчи ва бутловчи фитинглари ва фильтрларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

— Яқин йилларгача, асосан, сувни тежовчи технологиялар учун турли ўлчамдаги полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарар эдик, — дейди "Eco Drip Lux" корхонаси директори Акмал Аҳмедов. — Айни пайтда ички бозорда талаб юқори бўлгани учун ПВХ қувурлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Дунё бозорида полиэтилен хомашёси нархлари ошиб кетган ҳозирги шароитда ПВХ қувурлар ўзимизнинг истеъмолчиларга 30-40 фоиз арзонга тушяпти, сифати ҳам юқори. Шу



боис, фермерлар ва пудрат ташкилотлари томонидан ПВХ қувурларга буюртмалар кўпаймоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йилда республикамизда 34,5 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган. Лекин бу йўналишда маҳаллий корхоналар сони кам бўлгани сабаб 90 фоиз ускуна ва бутловчи қисмлар хориждан келтирилган.

Ўтган 2020 йилда сувни тежовчи технологияларнинг асбоб-ускуналари ва бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар сони 10 тага етказилди. Йил давомида 43 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган бўлса, шундан 30 фоизи, яъни 13 минг гектарида маҳаллий корхоналар маҳсулотидан фойдаланилди.

Айни пайтда сувни тежовчи технологиялар ускуналари ва бутловчи қисмларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 30 тага етди. Бу билан 2021 йилда сув тежовчи технологиялар жорий қилинадиган майдонларнинг 50 фоизини маҳаллий корхоналар маҳсулоти билан қамраб олиш имкони яратилди.

Йил якунига қадар мамлакатимизда шу турдаги маҳаллий корхоналар сони 100 тага етказилади. Натижада юртимизда сув тежовчи технологияларни жорий этиш имкониятлари янада кенгаяди. Бунда соғлом рақобат муҳитини яратиш ва маҳсулот сифати, самарадорлигига асосий эътибор қаратилади.

# 22 МАРТ — МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ КУНИ











Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

# ЭЪЗОЗ ТОПАЁТГАН ҚАДРИЯТЛАР

**Маҳалла аждодларимизнинг юксак тафаккурини, урф-одатлар ва анъаналарини ўзида мужассам этган, бутун жаҳон аҳли ҳавас қиладиган эзгу қадриятларимиз кўзгусидир. Бугунги кунда юртимиздаги ислоҳотлар жараёнида миллий қадриятларимизни муносиб давом эттириш баробарида уларга янгича маъно-мазмун бахш этилаётгани халқимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган катта ҳиссасини жаҳон бўйлаб намоён этиш, ёш авлодни бой тарихимизга эҳтиром, келажакка ишонч руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлаётир.**



***Марям АҲМЕДОВА,***
***Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси,***
***маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари***

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган эзгу тамойил бугун барча даражадаги идора ва ташкилотлар учун дастуруламалга айланди. Халқимизни жипслаштирадиган маскан эса маҳалладир. Шунинг учун Президентимиз ҳудудларга ташрифи давомида бевосита маҳаллаларга бориб, аҳоли билан учрашиб, ислоҳотлар самараси бу ерда ўз аксини топиши, ҳар бир ишнинг натижаси, мезони маҳалладаги одамларнинг розилиги эканига алоҳида урғу бермоқда.

Ҳозир барча давлат ташкилотлари ўз ишини "маҳаллабай", "фуқаробай" тизим асосида йўлга қўйиши қатъий талабга айланди. Эндиликда маҳалла самарали жамоатчилик назоратини олиб борувчи тузилма бўлади.

Маҳалланинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тубдан ошириш борасида қилинаётган ишлар, айниқса, хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида янада яққол кўзга ташланмоқда. Ҳозирги кунда ҳар бир маҳаллада бу йўналишда янги тизим яратилди. Яъни ҳар бир маҳаллада аёллар маслаҳат кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди. "Маҳаллабай" тарзда "Аёллар дафтари" шакллантирилди.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг қизлари учун 2020 йилда қўшимча 4 фоизли квота асосида давлат гранти жорий этилгани ва бу квота 2021 йилда икки баробар кўпайтирилиши 2000 нафар қизнинг ҳаётида чуқур ва ўчмас из қолдириши, шубҳасиз. Зўравонликдан жабрланган аёллар учун реабилитация марказлари ташкил этилгани уларга ҳуқуқий ва психологик кўмак кўрсатишда ўз самарасини бермоқда. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, касбга қайта ўқитиш, тадбиркорлик ва бизнес асосларига ўргатиш учун хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилди.

Президентимизнинг 2021 йил 5 мартдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Чунки унда белгиланган вазифалар ижроси ҳар бир аёлнинг ҳаётида ўз аксини топади. Мазкур қарор асосида Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ташкил этилди ва вазифалари аниқ белгилаб берилди. Шунинг ўзи хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини кўрсатади.

Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва тизимли ҳал этиш бўйича республика комиссиясига маҳалла ва ҳар бир хонадон кесимида аёллар муаммоларини ўрганиш, "Аёллар дафтари"ни шакллантириш, дафтарга киритилган ҳар бир аёл билан тизимли ишлаш бўйича тегишли вазирликлар, идоралар, секторлар ишини мувофиқлаштириб бориш вазифаси белгиланди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасининг хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун тавсиянома асосида 3 йиллик муддат ва 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача миқдорда кредитлар ажратилиши ўз тадбиркорлик ишини бошлаш истагини билдирган хотин-қизларга катта имконият бўлади.

Бу жамғарма Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси сифатида қайта ташкил этилди. Жамғарма ҳар йили Халқ банкига 100 миллиард сўм маблағни 2021 йилда Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз паст ставкада, 2022 йилдан эса асосий ставкада йўналтириши белгиланди.

Қарорда "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, муаммоларини тизимли ҳал этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар аниқ маблағи ва эгаси билан кўрсатилгани бу борадаги ишларни яна бир поғонага кўтарди.

Айтиш керакки, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда, албатта, тинчлик, адолат, эркинлик ва фаровонлик бўлади. Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам обод бўлади. Зеро, аёл она, оила бекаси. Оиладаги муҳит, тарбия эса онанинг маънавияти, дунёқараши, ҳаётдан розилиги билан ўлчанади.

Қорақалпоғистон Республикасида бугун жами 953 мингдан ортиқ хотин-қиз истиқомат қилса, шулардан 349 минг нафарининг муаммолари ўрганилди. Ўрганишлар натижасида улардан 24 519 нафари "Аёллар дафтари"га киритилди. Уларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича "йўл харита"лари ишлаб чиқилиб, шу бўйича иш олиб борилмоқда. Бугунги кунгача 31 фоиз аёлга моддий, ҳуқуқий, психологик кўмак берилди. Тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун кредитлар ажратилди.

Ўлкамизда баҳор ва Наврўз шукуҳи кезмоқда. Наврўз янгиланиш, яшариш айёми. Бу улуғ айёмни халқимиз интизорлик билан кутади. Наврўз байрамига ҳамоҳанг тарзда 22 март — Маҳалла тизими ходимлари куни сифатида нишонланишининг ўзига хос рамзий маъноси бор. Аслида Наврўз байрами ва маҳалла қадриятини бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди. Наврўз байрами ҳақида гапирилса, кўз олдимизда, албатта, маҳалла жонланади. Чунки қадим-қадимдан бу байрамни маҳалла аҳли жамулжам бўлиб, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари бошчилигида баҳамжиҳатликда нишонлаган. Дошқозонларда сумалак ва бошқа кўклам таомлари тайёрланган, беморлар, кексалар ҳолидан хабар олинган. Бугун ҳам бу анъаналарга ҳамоҳанг тарзда ҳар бир маҳаллада Наврўз тарихий қадриятларимизга мос тарзда нишонланмоқда.

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

**Давлатимиз раҳбари жорий йил 4-5 февраль кунлари Фарғонага ташрифи чоғида вилоятда оғир ижтимоий ҳолатдаги 123 та маҳалла фуқаролар йиғини борлигини таъкидлаб, бу ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасида топшириқлар берган эди.**
**Ҳозир мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, аҳолига даромад манбаи яратиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир маҳалла кесимида "йўл хариталари" ишлаб чиқилди. Айни кунларда жойларда бўлиб ўтаётган маҳаллий кенгашлар сессияларида мазкур йўналишдаги вазифалар, чора-тадбирлар кенг муҳокама этилмоқда. Сессияларнинг оғир шароитдаги маҳаллаларда ташкил этилаётгани муаммони янада яқинроқ ўрганиш имконини беряпти.**

# МУАММОЛАР ЖОЙИДА ЎРГАНИЛЯПТИ

***Шоҳсултон ТЎХТАМАТОВ,***
***Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши матбуот котиби***

Президентимиз кутилмаганда ташриф буюрган Фарғона шаҳридаги "Шодиёна" маҳалласида бугун бунёдкорлик ишлари қизғин. Ҳудудни ҳар томонлама ривожлантириш масаласи халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг маҳаллада ўтказилган сессиясида чуқур таҳлил этилди.

Маҳалла шаҳар марказида жойлашганига қарамай, шароити оғир ҳудуд ҳисобланади. Янгича ишлаш тизими асосида 17 72 та хонадон, 2 500 дан ортиқ оила, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг ҳақиқий ҳолати "маҳаллабай", "хонадонбай" ўрганиб чиқилди. Очиқ суҳбатлар асносида ҳудудда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммо ва камчиликлар аниқланиб, уларни қисқа фурсатда бартараф этиш бўйича лойиҳалар тайёрланди.

"Йўл харитаси" бўйича уч босқичли тизим белгиланди. Дастлабки босқичда Соҳибқирон Темур кўчасида жойлашган 170 та хонадон банк кредити ҳисобидан таъмирланади, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари миллий меъморлик асосида барпо этилади. Бу билан 300 дан зиёд иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, ҳудудда тиббиёт шаҳарчаси қурилади. Энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланадиган тиббиёт муассасаларида юзлаб аҳолини иш билан таъминлаш имконияти вужудга келади.

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ижобий ҳал этишнинг иккинчи босқичида ҳудуддаги кичик саноат зонасида тадбиркорлар учун 19 та лойиҳа жорий этилади. Натижада 1 300 та иш жойи яратилади. "Global Textile" қўшма корхонаси янги линиясининг ишга туширилиши 1 500 нафар маҳаллий ёш ва хотин-қизнинг доимий иш билан бандлигини таъминлайди. Учинчи босқичда маҳалла ҳудудида жойлашган мономарказда ишсиз ва эҳтиёжманд 357 нафар фуқаро меҳнат бозорида талаб юқори бўлган, доимий даромад келтирадиган касб-ҳунарларга ўқитилади, тадбиркорлик кўникмаларига ўргатилади.

Сессияда маҳалладаги ижтимоий ҳолатни тартибга келтириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт инфратузилмасини янгилаш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар дастури тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Маҳалла фаолларининг мурожаатлари ва таклифларидан келиб чиқиб, ўрганилмай қолган муаммолар бўйича дахлдор ташкилотлар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди. Шунингдек, маҳаллада содир этилган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар таҳлил қилинди.

Халқ депутатлари Олтиариқ тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси "Шарқ" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилди.

Маҳаллада истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, шу билан бирга, ушбу маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Йил давомида "Темир дафтар"га киритилган 74 та оиланинг доимий даромад манбаини яратиш ва бандлигини таъминлаш, "Темир дафтар"даги 16 та оилага субсидия бериш орқали иссиқхоналар қуриш, "Аёллар дафтари"га киритилган 26 нафар аёлнинг доимий бандлигини таъминлаш каби қатор долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Умуман олганда, жорий йилда "Шарқ" маҳалласини ободонлаштириш ва унинг инфратузилмасини тубдан ўзгартириш орқали маҳалла аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш, фуқароларнинг бугунги кунидан шукроналик ва эртанги кунига ишонч пайдо бўлишига эришиш мақсад қилиб олинган.

Халқ депутатлари Қўқон шаҳри кенгашининг 6-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган сессиясида уч бўғинли "маҳаллабай" ишлаш тизими асосида шаҳарнинг "Зилол", "Райҳон", "Янгиобод", "Янги чорсу" ва "Исломобод" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ўрганишлар, аниқланган муаммоларни бартараф этиш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Шаҳардаги ижтимоий оғир ҳудуд ҳисобланган 9 та маҳаллада улардаги ҳолатларни "Маҳалла раиси — ислоҳотчи" тамойили асосида яхшилаш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Унга кўра, мазкур маҳаллаларга шаҳар ҳокимлиги, лойиҳачи, пудратчи-қурувчи, йўлчи ва ширкатлардан 68 нафар ҳамда тижорат банкларидан 56 нафар, жами 124 нафар масъул биририктирилди.

Худди шундай тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги маҳаллаларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

## МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

# ГУЛЛАР, БАХТУ ИҚБОЛЛАР ОРАЛАБ...

***Башорат ЮНУСОВА,***
***"Янги Ўзбекистон" мухбири***

**Аллоҳга минг шукр, ҳаётимдан розиман. Болалигим файзли ўтди. Бугунги турмушимиз ҳам кўп гўзал. Президентимизнинг ижодкорларга эътибори, алоҳида топшириғи билан Тошкентнинг баҳаво жойидан, соҳил бўйидан шоир-ёзувчиларга уй берилди. Ҳозир шу уйда фарзандларимиз билан қувнаб яшаяпмиз. Ҳар куни тонгда соҳил ёқалаб сайр қилишни одат қилганман. Ёлғиз сайрнинг ҳам гашти бор. Хаёлим гоҳ болаликка, гоҳ бугун, гоҳ келажакка оғади.**

Бугун болаликка қайтдим, қишлоғимни соғиндим. Оқибатли, меҳрли одамлар тафти, файзли маҳалламиз қандай яхши. Шуларни ўйлаб маҳалламиздаги эзгу анъаналарни ёдга олдим.

Болалигимда уйимизда устига "кирим-чиқим" деб ёзилган дафтар бўларди. Отам ҳар замонда бир-бир варақлаб, нималарнидир ҳисоблар, телевизор таглик-ўрнаткичи ичидаги қутичадан пул олиб санар, гоҳ бир қисмини олиб, маҳалламиздаги амакиларга берар, гоҳ шу амакилар олиб келган пулни қутичага солиб қўяр эди. Ўртаҳол оиламизда пулга эҳтиёж сезилган кезлар ҳам бошқа жойдан қарз топишар, негадир бу пулга тегилмас эди. Дафтар ва пуллар кимники эканини билмасдим. Билганим, дафтар қадрли, йиртиш, чизиш, умуман тегиш мумкин эмас, пул кўп, бироқ унинг эгаси кўпчилик.

Улғайган сари бу маҳалламиз эҳтиёжи учун йиғиладиган фонд пули эканини тушундим, дафтарга эса кимлар пул бергани қайд этилар, бу пул нимага сарфлангани ҳам ёзиб бориларди. Отам, адашмасам, шу ишга масъул эди.

Орадан йиллар ўтди, "кирим-чиқим дафтари" бошқа уйларда ҳам "яшади". Отамнинг айтишича, ҳалигача бор. Бу вазифа кимга ишониб топширилса, шу пайтгача ҳеч ким хиёнат қилган эмас: сидқидилдан бажаради. Муросаю мадора, аҳил-иноқ одамларнинг тутумлари остида улғайган ва улғаяётган ёшлар учун катталарнинг бу иши ибрат бўлди.

### ОРИЯТИ БУТУН ОДАМЛАР

Мезон сувларида тип-тиниқ ой оқади. Кузнинг эт жунжиктирмас, қиздириб, лоҳас қилмас мўътадил ҳавосида ўқтин-ўқтин итлар ҳуриши, тун қушларининг сокин товуши кезади. Қўшни қишлоқдан — бувимникидан қайтарканмиз қўшни Қўнғиротнинг кенг далаларини кесиб ўтган йўлда машинани тўхтатамиз. "Буёғига яёв кетайлик", дейман аямга. Бу йўллар бир пайтлар бизни, ҳозиргидек ҳар икки ҳовлига бир машина тўғри келмайдиган замонларда, бувимникига олиб борарди. Бир томони бетон канал, бир томони қуюқ тутқатор йўл четини сап-сариқ момоқаймоқлар қоплаб ётарди. Биз тўрт бола гул териб, тут еб, гоҳ онамиздан илдамлаб, гоҳ ортда қолиб бувимникига боришни яхши кўрардик. Бу — ўша йўл, фақат тутлар сийрак, болаликдаги ҳайратлар йўқ.

Икки майдон ерни кесиб ўтсак, бизнинг қишлоқ. Бироқ биз айланма йўлдан юрамиз, дала кезмаймиз. Суқланиб қарайман қишлоғимизга. Бир пайтлар бобом ва бувим билан кенг туюлган қишлоққа анча бегоналашибман.

— Қара, шаҳардан кам жойи йўқ бизнинг қишлоқни, — деди аям тўсатдан. Негадир қишлоқ билан, унинг одамлари билан мақтанишни, уйга борсам ўзгаришларни кўз-кўз қилишни яхши кўради.

— Бетон симёғочларга маҳалла кенгашиб, чироқлар ўрнатдик. Кўчамиз энди ўз номига яраша Баркамол бўлди.

Милт-милт кўзга ташланаётган чироқларга эътибор бермабман. Чиндан ҳам жуда гўзал манзара. Вилоят ёки туман марказида эмас, марказдан олис бир қишлоқда яккам-дуккам эмас, қаторасига порлаб турган чироқларни кўриб кўзим қувнади. Маҳаллага кириб борарканмиз, нурга чулғанган икки узун кўчада ҳаётни севувчи, айрим хира кунларига ҳам ранг беришга интилаётган инсонларнинг орзу-ҳаваси ўлароқ амалга ошган оқибат, қадрият эпкинларидан кўнглим очилди.

— Шунча чироқ пули давлат ҳисобиданми?

— Ҳамма ўз уйининг рўпарасидаги чироққа ўзи пул тўлайди, — фахр билан давом этди аям.

Қишлоққа барака инибди. Маҳалла ёш. Эски маҳалладан янги маҳаллага биринчи бўлиб Жаббор амакининг оиласи кўчиб ўтган. Демак, 35 йиллик маҳалла. Биз мактабда ўқиб юрган кезларимиз кўчамиз сал ёғингаям лой бўлиб кетар, қиш кунлари ота-оналаримиз биз болаларни кўча бошигача калиш кийгизиб олиб чиқишар, асфальт йўлга чиққач этик кийиб олардик, калишлар эса уйга "қайтарди". Ана шундай кўчада яшаганимизни айтсак, мактабга қатнаётган бугунги болалар ишонмайди. Чунки бугун улар текис ва равон йўлдан юради, келади, ўйнайди. Маҳалла бирлашиб, йиғилган пулларга йўлга асфальт ётқизган. Мен маҳалламиз одамларининг ҳокимиятга хат ёзгани, ёрдам сўраб бирор идора эшигига бош уриб боргани ёки ҳомий қидирганлари ҳақда эшитмаганман. Ҳомий бўладиган даражада бадавлат одам ёки тадбиркорлар ҳам йўқ ҳисоби. Бироқ, маҳаллада барака бор. Нима ўзгариш бўлса, ҳаммаси "фонд"даги маблағга қилинади ёки савобталаб одамлар топилади.

"Обод маҳалла" дастури доирасида муҳташам қиёфага кираётган қишлоқлар, маҳаллалар бор. Кўриб кўзингиз қувонади. Яна шундай жойлар борки, қачон келиб обод қилиб беришар экан, деб кўмак кутишади. Бу маҳаллада эса тушунчалар бошқача: барча чиройли турмуш тарафдори, ҳаракатдан тўхташмайди.

### КЎПРИКНИ 1988 ЙИЛДА ТУҒИЛГАН ЙИГИТЛАР ҚУРДИ

Маҳаллада "Чойхонани фалончи йилда туғилганлар таъмирлаб берди, ариқнинг кўзини фалончи йилдагилар очди, фалончи йилдагилар ош беряпти, фалончи йилда туғилган йигитлар футболда ғалаба қозониб, ютуқ пулини фалончининг болалари ўқишига берибди" деган гапларни кўп эшитасиз. Эшитиб завқим ошади. Бошқалар учун бироз тушунарсизроқ, шу ерликлар учун одатий бу жумлалару ҳаракатлар катталардан — бобою бувилардан мерос тарбия, қадриятлар самараси.

Бизнинг маҳалладан Қўнғирот қишлоғини икки тарафдан зовур ажратиб туради. Пошшопирим кўчасига чиқиш учун зовургача йўл келган, бироқ кўприк йўқ эди. Яқинда маҳалламизнинг йигитлари — 1988 йилда туғилган болалар пул йиғиб, кўприк қуришибди. Уларнинг ташаббусидан катталар хурсанд. Чунки узоқлари яқин бўлди. Гоҳ пиёда, гоҳ улов-машинада бемалол ўтиб-қайтиб юришади. Шу баҳона кўприкка қанча маблағ сарфланганини билиш учун уйга телефон қилсам, барибир айтишмайди, деди отам. Яна бир фахрланишга арзийдиган сабаб эди бу.

Қиш кунларининг бири. Намозшомда қишлоққа кириб бордик. Отам, аям ва укам аравага тахта ортишаётган экан.

"Муҳаммаджон амакингникига ўтиб келамиз", изоҳ берди отам. "Уйга киринглар, кеч тушиб қолди, биз тез қайтамиз". Йўлдан олган патиримиздан иккитасини онам ўраб олди.

Муҳаммаджон амаки талабалигимда бизни энг кўп суяган одам. Боиси конракт пулини тўлолмай қийналган отамга шу амаки кўп ёрдам берганини биламан.

Уйдагилар тез қайтишди. Онам олиб кетган иккита нон бир дастурхон бўлиб қайтиб келди. Онамнинг айтишича, 2-3 кун аввал Муҳаммад амакининг уйи ёниб кетибди. Маҳалладагилар, қўни-қўшнилар, ким қўлига нима илинса, кўтариб келаверган. Кимдир тахта, кимдир ғишт, кимдир шифер, пул — ҳамма ёрдам қилган. Ош-овқат, нон, мева-чевагача узатишган. Бир ҳафта-ўн кун ичида маҳалла ҳашар қилиб, уйни тиклабди.

Нон кўпайиб кетганидан уй бекаси — Нодира холам увол бўлмасин, қўни-қўшниларга тарқатинг, деб аямдан бериб юборибди.

### САОДАТ ЭНА ВА УМРБОҚИЙ АНЪАНАЛАР

Қишлоққа борсак, эрта тонгдан аям қайси уйда аза очилган бўлса, кўнгил сўрашга судрайди. "Элдан чиқма" дейди. Бир гал қўлимга иссиқ овқат тутиб, "Саодат энанг омонат, кўриб, бироз гаплашиб ўтириб чиқ", деди. "Нима деб кираман, нимани гаплашаман?", дедим ҳайрон бўлиб. Аям қовоғини уйди. Индамай кўчага чиқдим. Ҳа, айтганча, бизда қариндош-уруғ, маҳалла-кўйдаги одамлар ўзимизники: фалончи акам, опам, холам... Саодат энам кўришгач, "Мен катта занг (кибрли) бўлиб кетганман, бировни танимайман", деди. Ғалати бўлиб кетдим. Келини Мўътабар опам изоҳ берди: бувим қариб қолди, хотираси панд беряпти.

Саодат энам бувим раҳматлининг дугонаси. Бувим кўп эртак ва ҳикоя билгувчи эди. Ёз оқшомлари, юлдузлар тўла осмонни томоша қилиб бувимнинг қаватида сўрида ухлардик. Бир этак бола — бизга эртак айтиб чарчамасди бувим. Уларнинг орасида Саодат энамиз билан боғлиқ ҳикоялар ҳам бор эди. Юз ёшни қоралаш арафасидаги энам ўша куни бувим билан боғлиқ мен эшитмаган ҳикояларни гапириб берди. "Энамнинг хотираси ҳечам панд бераётгани йўқ, шунча воқеа эсида экан. Чиндан ҳам кибрга берилибди", деб кулдим Мўътабар опамга.

Хайрлашиб уйга қайтаман десам, қўлимга қуруқ кетма, деб мева-чева тутқазишди. "Бир коса овқатга шунча мева", деб уйга қайтдим. Аслида қишлоқда мен энг қадрлайдиган, кўзимга ёш сиздирадиган одат шу: одамлар бир-бирини йўқлайди. Масалан, ҳар гал шаҳарга қайтишга тадорик кўра бошласак, қўни-қўшнилар нарса чиқаради. Уларнинг орасида қуруқ мевадан тортиб, мураббою шарбат, гуручу сутгача бўлади. Биз ҳам ўрганиб қолганмиз. Сизларники табаррук, деб сафархалтага жойлаймиз. Бир бизга эмас, вилоят марказида ўқийдиган, 10-15 кунда қишлоққа келиб-кетадиган талабалар ҳам шундай сийланади.

Бугун маҳаллани кезсангиз, одамлар турмушидан кўнглингиз яйрайди. Кунлар илий бошлаши билан кўчамиз одамлар билан тўлиб-тошади. Баҳорнинг биринчи ҳафтасида ҳашар ўтказилади. Маҳаллада эркаклар қилиш керак бўлган юмушлар бажарилади: ариқлар ковланади, кўчалар бир қур кўздан кечирилади. Шу тариқа яна гўзал одатлар давом этади. Ана шундай анъаналар билан маҳалла тобора обод бўлиб бораверади. Одамлар эса янгидан-янги ташаббусларни амалга ошириш йўлида ҳаракатдан чарчамайди: катталар ёшларга, ёшлар катталарга кўзгу.

Ҳозир шаҳарда яшаяпман. Лекин бугунги хаёлларим мени яна қадрдон маҳаллам одамига айлантирди. Шу руҳда айтаман: Фарғонага борсангиз, Бувайда тумани Шўртепа қишлоғидаги Баркамол кўчасига ҳам албатта келинг. Меҳмон бўлиб кетасиз. Одамлар "Жабборобод" ҳам дейишади. Шундай деб сўрасангиз, ҳамма сизга йўл кўрсатади.



# НАВРЎЗИМ, МЕН СЕНИ СОҒИНГАНИМ РОСТ!

*Гуличеҳра ДУРДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири*

**Яна келдингми, баҳорим, гулоблар сепиб, борлиққа ажиб ифор таратиб, осмонингда қуёш юзин яширар, ёмғирлар ёғади дилга хуш ёқиб... Атрофга таралар насимлар иси, далаларда майса уна бошлайди, бойчечак уйқудан турган маҳали офтоб уни эркалаб нурин сочади. Наврўзим, мен сени соғинганим рост. Хушбўй нафасларинг кўнглим очади, юракда ғуборлар заҳрини ювиб, энг гўзал манзара бўй кўрсатади.**

Сен шундай гўзалсан, байрамлар фасли. Бағрингда ниш урар кўклам нафаси, теграngда чарх уриб айланар бугун, баҳорнинг эркатой қалдирғоч қуши. Осмонлари шаффоф, сувлари зилол, боғларида жаннат гуллари бисёр, ой ҳам эгилади мисоли ҳилол, қараган одамнинг учади ҳуши.

Гулу райҳонларнинг муаттар ҳиди борлиққа мушк анбар бўлиб таралар, ёш қизлар сочига таққан гулчамбар, кекса момоларга жуда ҳам ёқар. Наврўзи оламда пишган сумалак, таъмини тотгани келар хорижлик, дейди, қани бир марта бўлса ҳам менинг юртимда, дошқозонда пишса сумалак.

Наврўзи олам — буюк бир байрам, эътиқод нуридан диллар шод бўлар, мурувват қилганда саҳий инсонлар, кўнгли яримларнинг қалби ёришар. Уруғ қадамоққа шошган деҳқоним, ҳосилинг мўл бўлсин, ризқимиз бутун, пешона теринг-ла қилган меҳнатинг роҳатини кўрсин элу улусинг.

Сен шундай кўркамсан, кўкламой фаслим, ҳар бир гўзал куни юракка татир. Ҳам кўнгилга мадор, ҳам танга қувват, юракни титратган эркатой фаслим, не-не дилларга ўт ёққан, сеҳру синоатга бурканган фаслим.

Онам сени севиб кутгувчи эди, райҳонингни кўзга суртгувчи эди, минг бир дуою ташбеҳлар ила ҳатто нафасларинг қучгувчи эди. Бугун ўша калом менинг тилимда, онам ўгитлари яшар дилимда, баҳорим борингдан айланай сенинг, хушбўй ифорларинг жонимда менинг.

**Эзғин хаёлларни тарк этсин кўнгил, кела қол баҳорим, сулув Наврўзгул!**

Ёмғир томчилари ювар юзимни, қулоғимга чалинар маъюс бир наво, онамнинг алласи бўлиб таралар, кўнгиллардан ғамни аритган садо. Хуш насимлар эсар, чарақлар қуёш, уфқ мамнун кўтарар ердан бошини. Табиат борлиққа сепини ёйиб, кўз-кўз қилар ҳусну жамолини.

Биз сезмай қолибмиз, баҳор келибди, қадамида гулу райҳонлар билан. Ариқларда оқар зилол сувлару, кўм-кўк майсалари, чечаги билан. Ҳаволар хушнафас, тонглар мунаввар, шабнамда чайилар ер заҳалари, азизим замондош, оламга бир боқ, дилингни яйратар хуш наволари.

Азиз асрдошим, қаддингни тик тут. Кўнглингдан чиқаргин ғуборларингни, атрофга бир қара, нафас ол тўйиб, қишга бериб юбор аразларингни. Оппоқ қорлар каби эрисин сингиб, юракнинг доғлари, қалб яралари. Азоблар, армонлар, қайғу ва ғамлар сизлардан кетсинлар, нарироқ, нари.

Қадрдоним, бунча хомушсан. Нелар ўртамоқда юраккинангни, нечун ҳорғин хаёлга чўмдинг, баҳорга айта қол истакларингни. Баҳор ифорлари бошинг силайди, сочингни ўйнайди майин саболар. Ёмғир шивалайди кўз ёшинг бўлиб, буни кўриб ўксик кўнглинг юксалар. Фақат сен ўксима, йиғлама сира, ташвишларингдан ҳам бир оз бургил юз, кўзларингни юм-у, самога қара, ўзингни тутиб бер шабадаларга.

Тилаклар тилайди она табиат, куч ҳам бағишлайди билакларингга. Чучмомалар пойингга поёндоз бўлиб, қулоғингга баҳор байтин шивирлар. Дилинг туғёнини англар гулбаҳор ва осмонга чизар қалбинг аксини, сўнгра у товланар камалак бўлиб, буни кўрган кўзлар қувонар.

Баҳор келди, борлиқ гулларга тўлди. Яшнади табиат, ястанди олам. Баҳор ифоридан сархушлар бўлиб, ҳатто шеър ёзмоқда менинг неварам. Баҳорим, гулбаҳорим, майли яшнайвер, борлиққа эзгулик нурини сочгин. Кимники кўнгли кам, муроди етим, унга ҳам борингни қўшқўллаб тутгин.

Хастанинг кўнглини дарддан фориғ қил, ночорга кўрсатгин хайру саховат, кексаларнинг аҳволидан ҳол сўрашни, баъзилар қулоғига секингина айт. Қилмасин баҳона, кўрсатмасин важ, майли, ҳеч қилмасин сарфу харажат, аммо узоқдаги жигарларига жўнатсин бир энлик соғинч тўла хат!

Фасллар эркаси, фасллар нақши, заминни кўкларга буркаган фаслим, қалбларни қитиқлаб, дилда ажиб ҳислар уйғотган фаслим. Сени соғингандик, сени кутгандик, қадамингда гуллар очилсин энди, фусун ва чиройинг олам аҳлига, кўркамлик, нафосат бахш этсин энди.

**Эзғин хаёлларни тарк этсин кўнгил, келақол, баҳорим, сулув Наврўзгул!**



МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР

# ОЙ ТЕРАКМИ, КУН ТЕРАК?

*Феруза ЖЎРАЕВА*



**Баҳорнинг илк кунлари эди. Дадам токчадаги туздонга қараб, "Кечаси ёмғир ёғади шекилли, туз нам тортиб қолибди" деди. Бу гапдан бувимнинг юзлари ёришиб кетди. Кечаси билан ёмғир ёғиб, нам ҳавода сумалак учун ундирган буғдойимиз ҳам тайёр бўлибди. Сурхон томонларнинг баҳорий урф-одатлари зўр-да, қадрдон, дилингиз яйрайди. Бир зумда ҳовлимиз қўшни аёлларга тўлди. Ҳамманинг қўли ишда.**

Сумалак учун тайёргарлик. Бувим билан бирга яна бир-икки момолар лапарлар айтиб, барчани хушнуд қилади. Биз эса уларга қулоқ тутамиз. Шу вақт бирдан эчкининг овози эшитилиб қолди. Момолар ҳазиломуз оҳангда "Ҳой бўйинг чўзилгур, эчкига ўт ташла, яна улоқиб кетиб, Ҳулкар юлдузини ернинг тагидан чиқариб юбормасин", дейди. Биламанки, бувимнинг ҳар бир гапи тагида бир афсона яширин. Секин ёнларига бориб, Ҳулкар ҳақида ҳам батафсил билмоқчи бўламан.

Ривоят қилишларича, Ҳулкар юлдузи чиқиши қишни, қамбарнинг чиқиши эса ёзни ифодалайди. Қадимда одамлар қишда қамбар юлдузи, ёзда эса Ҳулкар юлдузи ернинг тагига кириб кетади, дея ҳисоблашган. Ҳулкар юлдузи ернинг остига кириб кетиб, қанча кўп қолса, ҳайвонларга шунчалик яхши бўлар экан.

Ана шундай кунларнинг бирида туя, от, сигир, эшак, қўй, эчки ўзаро келишиб, Ҳулкарни ер тагидан чиқармасликка аҳд қилишибди. Навбат билан юлдуз чиқадиган ерни беркитиб, пойлаб турадиган бўлишибди. Эчки ўзининг галида тоқати тоқ бўлиб, бу қачон чиқади, бир ўтлаб келай дея ўйинга берилиб, Ҳулкарни унутибди. Бир пайт келиб қараса, Ҳулкарнинг боши кўриниб, чиқиб келаётганмиш. Эчки шошиб, туёғини туйнукка босибди. Ҳулкар унинг туёқларини тешиб осмонга учиб кетган экан. Шу боис халқ орасида "Эчки улоқиб кетмаганда, ҳамиша ёз бўларди", деган гап юрар экан.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос шундай қадрият ва анъаналари бўладики, у миллатнинг улуғлигини намоён этиб туради. Миллат билан бирга яшаб, улғаяди, тараққий топади. Халқимиз тарихи ва маданиятининг бир бўлаги бўлган Наврўз ҳам қадимий бўлиши билан бирга янгиланиб бораётган улуғ ва навқирон бир байрамдир. Тарихий ўйинларга, Наврўз ҳақидаги қўшиқлар мазмунига аҳамият берсангиз, улар замирида олам маъно мужассам.

Бувим ҳовлида ўйнаб юрган болаларни ёнига чорлаб, "Қани, бир ёмғир ёғалоқни айтинглар-чи", дейди. Менинг саволомуз қараб турганимни пайқаб тушунтириб кетади. Бу қўшиқ қадимда кўкка булут чиқиб, ёмғир ёғишини пайсалга солган вақтларда айтилган экан.

*Ёмғир ёғалоқ*
*Эчки чақалоқ*
*Бойнинг қизини*
*Қорни юмалоқ.*



"Саволчи қизим, эчки чақалоқ дея, эрта баҳор назарда тутиляпти. Бойнинг қизи бу — ҳайдалган ер. У ҳосилга ҳомиладор. Шунинг учун ҳам қорни юмалоқ дейилган..." Бувим ҳар бир мисра мазмунини шарҳлайди, мен гўёки катта бир жумбоқнинг тагига етгандек хурсанд бўламан. Сўрида ўтирган янгалар йилбоши ҳақидаги қўшиқларни бошлаб юборишади.

*Жилбоши кепти билдингизма,*
*Қошга ўсма қўйдингизма.*
*Қошга ўсма қўяётиб,*
*Жайраганин билдингизма.*

*Жилбоши кепти билдингизма,*
*Қўлга хина қўйдингизма.*
*Қўлга хина қўяётиб,*
*Қизариб кетганин билдингизма.*



Лапар айтиш қизигандан қизийди. Боягина овозлари кўкни тутиб ёмғир ёғалоқни куйлаётган болалар энди "ой теракми, кун терак?" ўйинини бошлаб юборишади. Нега бу ўйиннинг номи "оқ теракми, кўк терак" эди-ку, деяпсизми? Унда сизга ҳам бувимнинг бир ривоятларини айтиб бераман.

Қадимда Наврўз байрами кунлари болалар кун ва тун жамоасига бўлиниб, шу ўйинни ўйнашган. Яъни ой — кеча теракдек узун бўлсинми, ёки кун узун бўлсинми, деган савол билан жамоалар бир-бирларига мурожаат қилиб, беллашишган. Бунда кун жамоаси астойдил ғолиблик учун ҳаракат қилган. Чунки барча Наврўз келиши билан кунлар узайишини истаган. Бугунги кунда ўйиннинг ушбу номи айрим жойларда сақланиб қолган. Аксарият болалар ўйинни "Оқ теракми, кўк терак" тарзида ўйнайдилар, унинг асл моҳиятини англамаган ҳолда шунчаки беллашув дея қабул қиладилар. Агар уларга бу ўйин замирида ёруғликнинг қоронғуликдан ғолиб эканига бир ишора, интилиш борлиги англатилса, янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

...Ўйин-кулгу билан бўлиб, қош қорайганини ҳам сезмай қолибмиз. Укам ва унинг ўртоқлари кеч тушишини интизорлик билан кутиб туришган экан, "Оқ суяк" ўйинини бошлаб юборишди. Бу ўйин эрта кўклам пайти кечқурун ўйналади. Болалар ўртасидан сайланган бошлиқ оқ суякни узоққа отади. Уни қоронғулик ичидан топиб келган болани ёши улуғлар турли ширинликлар билан сийлашади. Чунки оқ суяк ҳам кунга, баҳорга интилиш белгиси бўлган. Қоронғулик ичидан оқ суякнинг топилиши кунлар узайишининг бир тимсоли саналган.

Ана шундай, азиз қароқбанд, Наврўз ҳақидаги қўшиқлар, ўйин ва маросимлар халқимизнинг руҳияти ва тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Халқнинг қадим дунёқараши излари қўшиқ, халқ ўйинлари ичида маълум маънода сақланиб турибди. Уларнинг илдизига, моҳиятига назар ташласангиз, улар кўҳна мифологик дунёқараш ирмоқлари экани аён бўлади. Ушбу ўзан изидан борсангиз, бизнинг халқимиз дунё тамаддунлари бешигини тебратган халқ эканини англайсиз. Фақат унутманг, биз ана шу изларни оламга бор бўй-басти билан кўрсата олишимиз керак. Ҳа, айтганча, қадрдон, бир вақт топиб, Сурхон томонларга боринг. Ҳақиқий баҳорни кўрасиз. Момою бобожонларнинг қадимий урф-одатлар ҳақидаги афсоналарини тинглаб, онгу шуурингиз улкан бир уммондан сув ичгандек бўлади. Бир меҳмон қилиш эса биздан.

БАҒРИКЕНГЛИК

# МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ЮРТ РАВНАҚИ

**Ғайратулла ШУКУРОВ,**
**Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ахборот хизмати бошлиғи**

**Ватанимиз қитъалараро маданий-тижорий алоқаларни яхшилашга хизмат қилган Буюк ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган. Бу ерда турли халқларнинг миллий анъана ва урф-одатлари ўзаро уйғунликда ривожланган. Демак, ўзбекона бағрикенглигимизнинг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади ва бу борада биз ҳамиша жаҳон аҳлига намуна бўлиб келганмиз.**



Халқимиз шўролар замонида қатағон, қувғинга учраган кўплаб миллат вакилларига бошпана берди, оғир дамларда бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди. Натижада корейс, немис, поляк, юнон, қрим-татар, турк, тожик ва бошқа кўплаб миллат вакиллари ўзбек элида муқим яшаб қолишди. Уларнинг зурриётлари эса шу заминда туғилиб-ўсиб, шу ерда таълим-тарбия олдилар.

Сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашда, фуқароларимизда Ватан туйғусини шакллантиришда, юрт истиқболига дахлдорлик ҳиссини камол топтиришда халқимизнинг бағрикенглик хислати асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик, ижтимоий тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилди. Қолаверса, юртимизда миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири миллатлараро тотувлик, деб белгиланганлиги ҳам бу йўлда Ўзбекистоннинг ўз йўли борлигини тасдиқлайди.

Миллатлараро тотувлик — умумбашарий қадрият. У нафақат турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, балки бутун дунёда тинчлик ва тараққиётнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бир миллатли давлатларга нисбатан кўп миллатли давлат маданий, маънавий бой дейиш мумкин. Чунки мамлакат ичидаги миллий маданиятлар мулоқоти уларни бойитади. Ҳар бир миллатнинг бошқа миллатлардан ўрганадиган, намуна бўладиган жиҳатлари бор.

Истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олийжаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Ватанимизда яшаётган турли халқлар ўртасида ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, унинг қонуний асосларини яратишга жиддий эътибор қаратилди. Ушбу тамойиллар Ўзбекистон Конституцияси ва барча қонунларимизда аниқ ва қатъий муҳрлаб қўйилди. Жумладан, Конституциямизнинг 4-моддасида Ўзбекистон давлати ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одат ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожи учун шароит яратиши алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Конституциямизнинг 18-моддасида эса мамлакатимизнинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгалиги, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил яшайди. Ана шундай кўп сонли миллат ва элат вакилларининг биргаликда, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб умр кечириши натижасида уларнинг ҳар бири маънавий ва маданий жиҳатдан бойиб, ўзаро муносабатлар таъсирида кўп миллатли халқимизнинг турмуш тарзи янада юксалмоқда.

Замонавий давлатнинг мақсади жамиятда ҳамжиҳатлик ва барқарорликни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат. Зеро, мамлакатимизнинг тараққий этиши авваламбор ундаги барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитининг сақланишига боғлиқ. Бу масалаларга Президентимиз турли йиғилиш ва анжуманларда, шу қатори халқаро майдонда ҳам тинимсиз халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб келмоқда.

2017 йилнинг 19 май куни давлатимиз раҳбарининг "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимиздаги миллий маданий марказлар ҳаётида, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш борасида янги истиқболларни очиб берди, бу соҳадаги ишларда туб бурилиш ясади.

Фармон билан Республика байналмилал миллий-маданий маркази негизида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. Тошкент шаҳридаги эски Бобур боғи Дўстлик боғига айлантирилди. Республикадаги миллий марказлар учун алоҳида бино ажратилди.

Қўмита зиммасига жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг муваффақиятларини кенг тарғиб қилиш вазифаси юкланди.

Фармонда хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни, чет элдаги ҳамюртларимиз ва турдош ташкилотлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш вазифалари белгиланган. Қўмита мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий ташкилотлар ва дипломатик ваколатхоналар, хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган турдош ташкилотлар билан самимий ва ўзаро ҳурматга асосланган алоқалар ўрнатиш ҳамда изчил ривожлантириш борасида тизимли ишларни амалга оширади. Ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари ва анъаналари, шу заминда туғилиб-ўсган буюк олим ва мутафаккирлар мероси, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини кенг намоён этиш бўйича тадбирлар ўтказилади.

Фармон қоидаларининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича яхлит тизимни ривожлантириш, миллий маданий марказлар учун янада қулай ва кенг имкониятлар яратиш, уларнинг бунёдкорлик ташаббуслари ва интилишларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Биродарлик, диний бағрикенглик, дўстлик ва ҳамкорлик инсонийлик фазилатларидан бири сифатида, аждодларимиздан бизга жуда катта маънавий мерос бўлиб қолган. Барча миллий-маданий марказларнинг самарали фаолият олиб бориши учун давлат томонидан ҳар томонлама кўмак беріляпти, турли миллат вакилларининг ўз она тили, маданияти, санъати, ҳунармандчилиги ва миллий қадриятларини ривожлантиришга эътибор қаратиляпти.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик албатта турли миллат вакиллари ва халқларимизнинг ўзаро дўстлик ва биродарлик фазилатларига асосланган. Президентимиз бу борада, **"Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу — бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир",** деб кўрсатар экан, биз ушбу бойликни янада мустаҳкамлаш зарурлигини англашимиз зарур. Бу борада олиб бораётган маданий-маърифий ишлар самарадорлиги шу кун талаби эканлигини ҳис қилган ҳолда фаолият олиб боришимиз муҳимдир.

Дунёнинг қарийб барча мамлакатлари кўп миллатлидир. Бугун Ўзбекистонда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари аҳил-иноқ яшаб, жамият ҳаётини равнақ топтириш йўлида самарали меҳнат қилаётир. Демак, мамлакатларнинг аксарияти бир миллат номи билан аталса-да, шу мамлакат кўп миллатли фуқаросининг ягона Ватани бўлиб келмоқда. Ўзбекистон ҳам ана шундай бой, турфа маданиятлар гуллаб-яшнаётган мамлакатлардан бири эканлиги одамга ифтихор бахш этади.

Минг афсуски, ҳозирги вақтга келиб, баъзи давлатларда миллий-этник муносабатларда зиддиятларнинг юзага келиши турли кўринишдаги низо ва келишмовчиликларга олиб келаётганини барчамиз эшитиб, кўриб турибмиз. Юрт осойишта бўлиши, турли миллатлар аҳил яшаши учун энг аввало, миллатлараро муносабатларда бағрикенглик, бир миллатни бошқасидан устун қўймаслик тамойилларига амал қилиниши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда миллатлараро ва давлатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббусларнинг пайдо бўлаётганлиги дўстлик ва ҳамжиҳатлик қўрғонининг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, "Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир".

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1018.
11453 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳиҳ: Ойдин Аляутдинова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

ЎзА якуни — 20:35 Топширилди — 21:30